



YEVROPA ITTIFOQI



Adliya Vazirligi
Davlat Xizmatlari
Agentligi



Empowered lives.
Resilient nations.

Ўзбекистон
Республикасининг 3та
пилот ҳудудида
нострификацияга оид 2та
давлат хизмати бўйича
бизнес жараёнлар
реинжиниринги (BPR)

Тошкент - 2021 йил

Лойиҳа раҳбари: Аброр Ходжаев

Тадқиқот координатори: Бахтиёр Сайфитдинов

Консалтинг компанияси: ERGO ANALYTICS

Боғланиш учун:

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

100029, Ўзбекистон, Тошкент, Т. Шевченко кўчаси

policybrief@undp.org

www.uz.undp.org

Тел.: (+998 78) 120 34 50

(+998 78) 120 61 67

Факс: (+998 78) 120 34 85

Таҳлилий ҳисобот Европа Иттифоқи томонидан молиялаштириладиган Адлия вазирлиги, Давлат хизматлари агентлиги ва БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистондаги қишлоқ жойларда давлат хизматларини кўрсатишни такомиллаштириш ва бошқарув даражасини ошириш” қўшма лойиҳаси доирасида тайёрланди.

Маърузада баён қилинган фикрлар ва хулосалар фақат муаллифларнинг нуқтаи назарини акс эттиради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, шунингдек, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегациясининг расмий нуқтаи назари ҳисобланмайди.

Мундарижа

| | |
|---|-----------|
| ҚИСҚАЧА ШАРҲ | 4 |
| КИРИШ | 5 |
| ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА БОШҚА ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАРНИНГ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ | 7 |
| <i>Хорижий мамлакатларда олинган маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш жараёни</i> | <i>7</i> |
| ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ҚОНУНЛАР, ҚОНУНИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ТАРТИБ-ҚОИДАЛАР | 22 |
| Умумий таъриф ва тушунчалар | 22 |
| <i>Умумий ва ўрта таълим тўғрисидаги ҳужжатни нострификациялаш тартиби (беғул хизмат)</i> | <i>27</i> |
| <i>Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тўғрисидаги ҳужжатни нострификациялаш тартиби (2 БҲМ / 3 БҲМ)</i> | <i>30</i> |
| ИККИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ СТАТИСТИКАСИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ | 35 |
| ТАЖРИБА ШАҲАРЛАРИДАГИ НОСТРИФИКАЦИЯЛАШ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН АҲОЛИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ | 40 |
| ЎТКАЗИЛГАН “СИРЛИ МИЖОЗ” ТАДҚИҚОТИ НАТИЖАЛАРИ | 52 |
| 1-сонли миждоз..... | 52 |
| 2-сонли миждоз..... | 55 |
| 3-сонли миждоз..... | 56 |
| ТАЖРИБА ШАҲАРЛАРИДАГИ ИШЧИ ГУРУҲЛАР БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН СУҲБАТЛАР НАТИЖАЛАРИ | 57 |
| ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР | 68 |
| УМУМИЙ ТАВСИЯЛАР | 77 |
| 1-ИЛОВА. 620-СОНЛИ ВМҚГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА, ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ХИЗМАТИНИНГ ЯНГИЛАНГАН ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ СХЕМАСИ | 79 |
| 2-ИЛОВА. МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ | 80 |

Қисқача шарҳ

Тадқиқот натижасида таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун мурожаат қилган 201 нафар фуқаро билан суҳбат ўтказилди, фронт-офис ва бэк-офис вакиллари ҳамда 3 нафар сирли миждоз билан 11 та суҳбат ўтказилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатларини нострификациялаш хизмати ариза берувчилар орасида катта талабга эга. Респондентлар одатда ҳужжатларни топшириш ва йиғишда кийинчиликларга дуч келмайдилар, бироқ айрим ҳолларда ДХА операторлари ёки инспекция ходимларининг хатолари бу тартибнинг амалга ошиш жараёнини сезиларли даражада мураккаблаштириб, ариза берувчиларни пойтахтга келиш ёки қайта мурожаат қилига мажбур қилади. Таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялашни рад этиш ҳолатлари юқори даражада (55%) эканлиги, бунинг асосий сабаби тест синовларида тўпланган баллар сонининг етарли эмаслиги (71%) кузатилди. Бундан ташқари, ариза берувчилар хизматнинг юқори нархи (3 БҲМ) ва қўшимча харажатлар – ҳужжатларни нотариусда тасдиқлаган тарзда таржима қилдириш, агар ариза берувчига имтиҳон тайинланса, Тошкент шаҳрида келиб-кетиш ва яшаш билан боғлиқ харажатларни қилишарига тўғри келади, бу эса аҳолининг барча қатламининг ҳам ушбу хизматга қурби етмаслигига олиб келади. Фронт-офис вакиллариининг таъкидлашича, амалдаги тартиб-қоидалар ижрочи ташкилотлар билан юқори даражадаги ҳамкорликни талаб қилади ва бу ўз навбатида коррупция хавфини оширади. Таълим тўғрисидаги ҳужжатлари автоматик тан олиш учун тасдиқланган мезонларга жавоб берадиган ариза берувчилар ҳам ариза топшириш ва давлат божини тўлиқ тўлашга мажбур бўлаётгани эса, жиддий камчиликдир.

Кириш

Маълумки, Ўзбекистон иқтисодиёт тармоқларини малакали ишчи кучи билан таъминлашда қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Хусусан, 2018 йилда “PwC” компанияси ўтказган тадқиқотга кўра, Ўзбекистондаги 30 та йирик компания раҳбарлари ахборот технологиялари соҳасида малакали мутахассисларнинг етишмаслигининг сабаби маҳаллий олий ўқув юртлирида кадрлар тайёрлаш даражасининг паст эканлигини таъкидладилар. 2019 йилда “HRC” ва “ERGO Research and Advisory” компаниялари томонидан ўтказилган мустақил сўров натижаларига кўра, Ўзбекистондаги корхоналарнинг 89%и ишга қабул қилишдаги асосий қийинчиликлар номзодларнинг касбий ва техник кўникмаларининг етишмаслигида эканлигини таъкидлаганлар. Бу муаммонинг асосий сабабларидан бири ёшларнинг олий маълумот қамрови даражаси пастлигидир ва 2016 йилда бу кўрсаткич рекорд даражада пастлаб, 8,7%ни ташкил қилган¹.

Натижада ёшларнинг чет элда таълим олиш мақсадида мамлакатдан кўчиб кетиш даражаси юқори эканлиги кузатилмоқда. Масалан, 2017 йилда 33 минг нафар ўзбекистонлик талаба чет элда таҳсил олди ва улар орасидаги , ҳаракатчанлик коэффиценти 11,8% ни ташкил этди. Уларнинг 60% и Россияда, 11,4% и Қозоғистонда, 6,1% и Украинада, 3,2% и Жанубий Кореяда ва 3,1% и Латвияда таҳсил олган.

2019 йилда аҳолининг олий таълим билан қамров даражасини ошириш ва замонавий билимларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Шу йилнинг ўзида, мамлакатда умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди.

Ҳукумат томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2020 йилда олий таълим билан қамров даражаси сезиларли даражада ошганига қарамай, олий ва ўрта таълим соҳасининг олдига қўйилган амалга оширилиши керак бўлган улкан вазифалар турибди. Бирок ҳозирданок Ўзбекистон бозорини малакали мутахассислар билан таъминлаш ўта зарурдир. Бунинг учун хорижда олинган таълим ҳужжатларини тан олиш шартларини қайта кўриб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

¹ <https://www.gazeta.uz/ru/2018/05/28/education/>

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Европа Иттифоқи, Давлат хизматлари агентлиги ва Ўзбекистондаги БМТТДнинг “Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида давлат хизматларини тақдим этишни такомиллаштириш ва бошқарув даражасини ошириш” қўшма лойиҳасининг 2021 йилга мўлжалланган иш режасига мувофиқ, хорижда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишга оид давлат хизматлари бўйича бизнес жараёнларининг реинжинирингини (БЖР) ўтказиш кўзда тутилган.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади 2 та давлат хизмати бўйича бизнес жараёнлари реинжинирингини амалга ошириш ва пилот ҳудуд сифатида танланган Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри, Наманган вилоятининг Наманган шаҳри; Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳарларида хорижда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишга (нострификация) доир давлат хизматлари сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. 2 та давлат хизмати ва уларнинг мазкур тартиб-қоидалари ушбу тадқиқотнинг предмети саналади:

- умумий ўрта таълим тўғрисидаги ҳужжатни нострификациялаш;
- ўрта махсус, касб-хунар ва олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатни нострификациялаш.

Тадқиқот методологияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- халқаро тажрибани ўрганиш,
- мазкур хизматларнинг ҳозирдаги тартиб-қоидаларини таҳлил қилиш ва шу хизматлар кўрсатиш учун масъул ишчи гуруҳлар билан суҳбатлар ўтказиш орқали хизматлар кўрсатишнинг амалдаги тизимини ўрганиш;
- учала пилот ҳудудда бу хизматдан фойдаланувчиларнинг сўровини ўтказиш;
- учала пилот ҳудудда “Сирли миждоз” тадқиқотини ўтказиш.

Тадқиқот натижасида хорижда олинган таълим ҳужжатларини тан олиш бўйича хизматлар сифатини ошириш, шу жумладан хизматларнинг амалдаги регламенти реинжиниринги бўйича таклифлар киритилди.

Европа Иттифоқи ва бошқа етакчи давлатларнинг давлат хизматларини кўрсатиш бўйича халқаро тажрибаси

Хорижий мамлакатларда олинган маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш жараёни

Европа Иттифоқи мамлакатларида ва Европа иқтисодий ҳудуди мамлакатларида, шунингдек, Марказий ва Шарқий Европанинг барча мамлакатларида илмий ҳужжатларни тан олиш учун Миллий ахборот марказлари (ENIC ёки ENIC/NARIC) мавжуд бўлиб, улар Болония таълим тизими доирасида илмий малакаталарни таққослашга ихтисослашган муассасалардир. Булар Европа минтақасида олий маълумотга оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги конвенциянинг (одатда Тан олиш бўйича Лиссабон конвенцияси, деб номланади) ҳар бир иштирокчиси томонидан ташкил этилган муассасалар ҳисобланади. Шу тарзда, Лиссабон конвенцияси, шунингдек, ушбу мамлакатларнинг ички қонунчилик ҳужжатлари таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш ва тан олиш тартибларининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Ушбу битимнинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

- хорижий диплом эгалари ҳеч қандай камситишларсиз ўз малакаларини баҳолатиш ҳуқуқига эга;
- бундай баҳолатишнинг тартиб ва мезонлари шаффоф, изчил, ишончли ва мунтазам равишда кўриб чиқилиши керак;
- фақат муҳим деб ҳисобланадиган фарқлар чет эл дипломининг қисман тан олиниши ёки тан олинмаслигига сабаб бўлиши мумкин;
- сертификатлаштириш тан олинмаган тақдирда, ваколатли орган рад этиш сабабларини асослаб бериши зарур;
- аниқ ва шаффоф ахборот олиш учун Миллий ахборот марказига эга бўлиш тавсия этилади.

Марказлар Таълим вазирлиги ёки шу каби бошқа миллий ваколатли органга бўйсунди².

Марказларнинг мақоми ва ваколатлари миллий масъул орган томонидан белгиланса-да, бундай марказлар конвенция қоидаларига риоя қилишлари шарт ҳамда ЮНЕСКО, Европа Кенгаши ва Лиссабон конвенцияси қўмитасига маълумот тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Миллий ахборот маркази қуйидагиларга амал қилиши шарт:

- ўзи жойлашган мамлакатдаги олий таълим тизими ва малакалар тўғрисидаги тўғри ва аниқ маълумотлардан фойдаланишга кўмаклашиш;

² <https://www.enic-naric.net/welcome-to-the-enic-naric-website.aspx>

- Конвенциянинг бошқа иштирокчиларидаги олий таълим тизимлари ва малакалари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишни осонлаштириш;
- Миллий қонунчилик ва қарорларга мувофиқ малакаларни тан олиш ва баҳолаш бўйича маслаҳат ёки маълумот бериш.

Ахборот марказлари биргаликда NARIC тармоғини ташкил қилади. Индивидуал фаолият олиб борувчи NARIC марказлари Европа Комиссиясининг Европа давлатлари ўртасида илмий малака ва таълимнинг тан олиншини яхшилаш ҳамда олий таълим муассасалари ўртасида талабалар ва ходимларнинг ҳаракатчанлигини оширишга қаратилган ташаббуси доирасида NARIC тармоғи томонидан мувофиқлаштирилади. Гарчи тизим бутун Европа Иттифоқида ва ундан ташқарида ишлаётган бўлса-да, аъзо давлатлар ушбу жараёнга ўзгартиришлар ва бошқа қўшимча талаблар киритишлари мумкин.

Буюк Британия

Буюк Британияда бошқа мамлакатларда олинган маълумотни тан олиш солиштириш хисоботи ёки соҳавий кўникмалар бўйича хисоботни олиш йўли билан амалга оширилади.

Биринчи хизмат маълумот марказлари томонидан чет элда ишлаш, ўқиш, касбий рўйхатдан ўтиш ёки бошқа сабабларга кўра малака даражасини тасдиқлаши керак бўлган ариза берувчиларга кўрсатилади³. Ушбу хизмат натижасида ариза берувчи умумий мақсадли таққослаш хисоботини олади. Ариза топшириш учун ариза берувчи ахборот марказининг веб-сайтида рўйхатдан ўтиши ва таълим тўғрисидаги дипломи ва унинг иловалари, ихтисослашган мутахассис томонидан тасдиқланган ҳужжатлар таржимасининг (агар ҳужжатлар инглиз тилида бўлмаса) сканерланган нусхаларини ўша сайтга юклаши керак бўлади. Ҳужжатлар олинган пайтдан ва хизмат учун £49,5 (ёки тахминан \$69) миқдорида тўлов амалга оширилган пайтдан бошлаб ҳужжатлар кўриб чиқилади ва 15 кун ичида жавоб берилади. Хорижий давлатда олинган ҳужжат Британия таълим тизими билан таққосланади ва чет эл малакаси даражасини тасдиқлаш учун дипломларнинг асл нусхалари ва олинган малакага оид ҳужжатлар билан таъминланади.

Иккинчи хизмат эса қурилиш, сув таъминоти, электр таъминоти ва бошқа шу каби соҳаларда иш излаётган ариза берувчилар учун мўлжалланган. Гарчи ахборот марказлари фронт-офис сифатида фаолият юритса-да, нострификация тартиблари тегишли профессионал ташкилотларнинг қоидаларига ёки тасдиқланган профессионал сертификатлаштириш схемаларига мувофиқ амалга оширилади, Буларга мисол тариқасида қурилиш кўникмаларини сертификатлаш схемалари, электр техникаси бўйича сертификатлаш схемалари, Британия ландшафт соҳаси ассоциацияси ва қўшма Сантехника

³ <https://enic.org.uk/Qualifications/SOC/Default.aspx>

муҳандислиги бўйича саноат кенгаши каби ташкилотларни келтириб ўтиш мумкин. Хизматни кўрсатишнинг умумий муддати – 30-45 иш куни. Ушбу нострификация тартиби натижасида ариза берувчи малака варақасини олиш учун зарур бўлган касбий маҳорат ҳисоботини олади, аммо бу жараён ариза берувчининг малака даражасига (профессионал ёки академик) қараб фарқ қилиши мумкин. Масалан, менежер, раҳбар ёки малакали ходимнинг касбий варақасини олиши учун ариза берувчи дастлаб малакалар ва уларнинг тавсифи тўғрисида ҳисобот олиши керак бўлади. Ушбу тартиб икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда ариза берувчи NARIC онлайн портали орқали таълим/касб-хунар таълими тўғрисидаги ҳужжатнинг сканерланган нусхаларини ва унинг иловаси ҳамда таржимасини (агар ҳужжатлар инглиз тилида бўлмаса) юборади. Ушбу босқичда ариза, берилган ҳужжатни тасдиқлаш учун маълумот/касбий таълим тўғрисидаги ҳужжатни берган муассасага юборилади. Агар ариза берувчининг малакаси ҳужжатларни кўриб чиқиш шартларига жавоб берса ва ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилса, аризачи £60 (тахминан \$82) тўлайди. Мурожаат 15 иш куни ичида кўриб чиқилади ва жавоб аризачига электрон почта орқали қўшимча кўрсатмалар берилган ҳолда юборилади.

Иккинчи босқичда ариза берувчи курс тафсилотларини, хусусан бу касбий курс таркиби ҳақида тўлиқ маълумот тақдим этиши керак. Агар тақдим этилган барча маълумотлар ҳисобот ва тегишли тавсиф учун етарли бўлса, ариза берувчидан £414 (тахминан \$ 570) миқдорида иккинчи тўловни амалга ошириш сўралади. Шундан сўнг, NARIC ахборот маркази ариза берувчининг малакасини тавсифлаш ва уларни танланган малака учун Буюк Британия миллий касбий стандартлари билан солиштиришни бошлайди. Ушбу босқичда ариза берувчи тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳақиқийлигини тасдиқловчи жараённинг шартлари ва қоидаларига розилиги ҳақидаги намунавий хатни тақдим этади. Таққослаш якунлангандан сўнг, баҳолаш натижалари ариза берувчига юборилади. Бундан ташқари, ариза берувчига ўтилган тартиб асосида касбий варақани олиш имконияти ёки Буюк Британия талаблари ва стандартларига риоя қилиш учун қўшимча керак бўладиган ўқув курслари зарурати ҳақида маълумот берилади.

Бошқа ҳолларда, ходимнинг илмий малака варақасини олиш учун ариза берувчилар илмий малакага эга бўлган шахслар учун касбий маҳорат тўғрисидаги ҳисобот олиш учун мурожаат қиладилар. Ушбу варақани олиш учун ариза берувчи маълумоти олий, яъни бакалавр, магистр ёки докторлик даражалари билан таққосланадиган бўлиши лозим. Шу сабабли, аввалги хизматда келтирилган кўникма ва малакаларни тавсифлаш ўрнига, ушбу тартиб доирасида ариза берувчи юқоридаги бандда тавсифланган бошқа тартиб-қоидалар

билан бир қаторда хорижий малака даражасининг мувофиқлиги тўғрисида ҳисобот олади. Хизмат бир босқичда тақдим этилади ва унинг нархи £185 (\$254) ни ташкил қилади.

Франция

Чет элда олинган диплом (ёки унга тенглаштирилган даража) ва Миллий таълим ва олий таълим вазирлиги томонидан берилган диплом ўртасидаги эквивалентлик тамойили Францияда мавжуд эмас. Шу тарзда, маълумот тўғрисидаги ҳужжатининг қиёсланишини тасдиқлаш Франциянинг ENIC-NARIC марказининг мутлақ масъулияти остидадир. Ушбу ҳужжат қонуний кучга эга эмас ва мажбурий ҳам эмас. Ишга жойлашиш ёки қўшимча таълим олиш учун ариза бериш бўйича яқуний қарор иш берувчи, таълим муассасаси ёки бошқа маъмурий органнинг масъулияти доирасига киради. Францияда ўқишни ёки ишлашни давом эттиришни хоҳловчи чет эл фуқаролари иш берувчига ёки таълим муассасасига бошқа давлатда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатнинг таққосланиши тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этишлари шарт. Ҳатто Европа Иттифоқининг бошқа давлатларидан келган ариза берувчилардан учун ҳам иш берувчи / университет ёки бошқа муассаса ушбу ҳужжатни тақдим этишни сўраши мумкин.

Бундан ташқари, Франциядаги касблар, бошқа кўплаб Европа мамлакатларида бўлгани каби, тартибга солинадиган ва тартибга солинмайдиган касб турларига бўлинади. Тартибга солинадиган касблар (шифокорлар, ҳамширалар, стоматологлар, акушерлар, ветеринарлар, фармацевтлар ва архитекторлар) бўлса, ариза берувчи Европа Иттифоқи ёки Франциядаги тегишли касбий уюшмадан малака сертификатини талаб қилиши мумкин. Саноат директивасига бўйсунмайдиган тартибга солинадиган касблар Францияга хос таълим ва малакани талаб қилади. Кўпинча бу соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ, архитектура, транспорт ва бошқалар соҳасидаги касблардир. Бундай ҳолда, диплом Франциядаги расмий орган томонидан тан олинмиши керак.

Тартибга солинмайдиган касблар борасида, ариза берувчилар ENIC/NARIC марказлари филиалларидан ўзларининг илмий ва касбий малакалари таққосланганлиги тўғрисидаги сертификатни оладилар. Бироқ бу ҳужжат кейинчалик қайси муассасага ўтказилишига ҳам боғлиқ. Масалан, аспирантурага ҳужжат топширишда баъзи университетлар ушбу ҳужжатни талаб қилмайди. Хизмат бажариш муддатлари ҳам ариза берувчи ва университет томонидан ўтилган модуллар сонига қараб ўзгаради. Баъзи ҳолларда сертификат олиш учун қўшимча равишда Франция университетларидан бирида курс ўташ талаб этилади.

Агар ариза берувчи ҳақиқатан ҳам таълим тўғрисидаги ҳужжатнинг тан олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олиши керак бўлса, у қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

- таълим тўғрисидаги ҳужжатнинг асл тилдаги сканерланган нусхаси ва унинг алоҳида ихтисослашган таржимон томонидан қилинган таржимаси (инглиз, испан, немис, португал, итальян, араб ёки француз тилларидан бошқа тиллардаги ҳужжатлар учун талаб қилинади);
- ўқиш даврининг расмий давомийлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси – баҳолаш варақалари, давомат гувоҳномалари, диплом иловаси ва диплом берган таълим муассасаси томонидан тақдим этилган бошқа ҳужжатлар ва унинг ихтисослашган таржимон томонидан қилинган таржимаси (инглиз, испан, немис тилидан ташқари тиллардаги ҳужжатлар учун талаб қилинади).

Шуни таъкидлаш керакки, ENIC-NARIC Франция ахборот маркази қуйидагилар томонидан берилган таълим ҳужжатларини баҳоламайди:

- Франция таълим муассасалари;
- қисқа муддатли (200 соатдан кам) малакавий ўқув курслари;
- тилни билиш даражасини тасдиқловчи дипломлар ёки тестлар;
- мутахассислиги тартибга солинадиган касбга тегишли бўлган айрим дипломлар (масалан: шифокор, акушерлик, стоматолог, фармацевт ва бошқалар);
- диплом олиш учун асос бўлмаган касбий малакалар;
- академик дипломга алоқаси йўқ касбий тайёргарлик курслари.

Бундан ташқари, бу марказ экспертлари ҳар бир аризани Лиссабон конвенциясида белгиланган танлаш ва баҳолаш мезонларига мувофиқ алоҳида кўриб чиқадилар. Улар ҳам тажриба алмашиш мақсадида хорижий ваколатли органлар ва бошқа ENIC-NARIC тармоқ марказлари билан суҳбатлар қилиши ҳамда ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун таълим ҳужжатини берган мамлакатнинг маъмурий органлари билан боғланишлари мумкин.

Франциянинг ENIC-NARIC ахборот маркази томонидан берилган таққослаш сертификати чет эл дипломи ва Франциядаги малака доираси даражалари ва хорижий таълим ҳужжатларини ўқишни осонлаштириш учун Европа малакавий доираси ўртасидаги мувофиқликни белгилайди. Ишга қабул қилиш, қўшимча таълим олиш ёки танловга кириш бўйича яқуний қарор иш берувчи, таълим муассасаси ёки танловни ташкил этувчи ташкилот зиммасида бўлади.

Германия

Германия ҳамширалик, қариялар парвариши ва мактабгача таълим каби муҳим соҳаларда малакали ишчилар сонини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда ва бу касбларни уйдаги ҳамда

чет элдаги ишчилар учун янада жозибадор қилишга йўналтирилган дастурларни амалга ошироқда. Бироқ, Францияга ўхшаб, Германияда ҳужжатларни солиштириш сертификатини олиш фақат тартибга солинадиган касблар учун талаб қилинади. Бу, масалан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги кўплаб касблар, юридик маслаҳатлар бериш, давлат мактабларида ўқитувчилик қилиш ва муҳандислик ихтисосликлари учун амал қилади. Агар ариза берувчи Германияда тартибга солинадиган касблардан бирида ўз касбий фаолиятини давом эттироқчи бўлса, у, мамлакатидан қатъи назар, ҳар доим чет эл малакасини расман тан олганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олиши керак бўлади.

“Тан олиш тартиби” доирасида Германиядаги ваколатли орган ариза берувчининг хорижий касбий малакаси Германиядаги ана шундай малака билан солиштирилиши мумкин ёки йўқлиги, улар орасида бирор фарқ бор-йўқлигини текшириб кўради. Бу тартибни “эквивалентликни баҳолаш” деб ҳам аташади. Одатда, ваколатли орган ҳужжатларни тўлиқ тақдим этилганидан кейин уч-тўрт ой ичида текширади. Ариза берувчининг касбий малакаси ва таълим тўғрисидаги ҳужжат қайси мамлакатда (ЕИ аъзоси, Исландия, Лихтенштейн, Норвегия ёки Швейцария ёки бошқа давлат) берилганига қараб зарурий ҳужжатлар ва тегишли тартиблар жараёни сезиларли даражада бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Ариза берувчи мазкур тартиб ҳақидаги маълумотни касбий малакани тан олиш тартиби тўғрисидаги ахборот портали орқали олади⁴. Ариза берувчи сўралган саволларга жавоб беради (олинган касбий малака, Германиядаги яшаш жойи, таълим тўғрисидаги ҳужжатни берган давлат) ва масъул ташкилот номи кўрсатган ҳолда тегишли маълумотни олади. Масалан, тиш доктори касбини танлашда Тиббиёт ва фармацевтика давлат экспертизаси масъул орган ҳисобланади.

Умуман олганда, ариза берувчи компьютер бўйича олим, математик ёки иқтисодчи каби илмий, тартибга солинмайдиган касбда ишлашни режалаштирган бўлса, тегишли тартибни ўташ талаб қилинмайди. Бироқ, агар ариза берувчи Германияга Европа Иттифоқига аъзо бўлмаган мамлакатдан доимий яшаш, ишлаш учун келаётган бўлса ёки Германияга виза олаётган бўлса, олинган хорижий илмий малака Германиядаги университет даражаси билан таққослана олишини исботлаб бериши зарур. Бунинг учун мувофиқлик сертификати олиниши керак. Бу сертификат ариза берувчининг хорижий илмий малакасини тавсифловчи ва у билан солиштириш мумкин бўлган Германия илмий малакалари даражасини кўрсатадиган расмий ҳужжатдир. Ушбу тартиб ENIC-NARIC тармоғининг Германиядаги ахборот марказлари – Хорижий таълим марказлари орқали амалга

⁴ <https://www.anerkennung-in-deutschland.de/html/en/index.php>

оширилади. Ариза берувчи ушбу ҳужжатни фақат Anabin маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда мустақил равишда олиши мумкин. Бу маълумотлар базаси таълим тўғрисидаги хорижий сертификатларни баҳолаш бўйича маълумот беради ва ҳукумат, иш берувчилар ва жисмоний шахсларга Германия таълим тизимида хорижий малакаларни таснифлашда ёрдам беради. Бунинг учун ариза берувчи университет жойлашган мамлакатни кўрсатади, сўнгра университет диплом берган университетнинг мақомини текширади. Кейинги қадам – таълим даражаси ва соҳасини кўрсатишдан иборат. Тан олишнинг асосий мезонлари қуйидагилардан иборат:

- таълим тўғрисидаги ҳужжатнинг ҳақиқийлиги;
- малака олий таълим муассасаси томонидан ўша ҳужжат берилган мамлакатдаги асосий мезонларга мувофиқ тан олинган муассаса томонидан берилиши керак;
- курсни аккредитация қилиш мажбурий бўлган мамлакатларнинг илмий даражалари учун тугалланган ўқув курси аккредитациядан ўтказилиши керак;
- Германия олий таълим муассасаси иштирокида қўшма илмий даражани олишда, таққослаш тўғрисидаги ариза талаб қилинмайди, чунки бу ҳолатда Германияда илмий даражаси шундоқ ҳам берилган бўлади.

Бунда, иккала босқич ҳам бажарилиши талаб этилади, чунки илмий даража университет номисиз ҳам кўрсатилиши мумкин. Университет ва илмий даража бўйича ижобий натижаларнинг иккита босма нусхаси виза учун ариза беришда эквивалентликни исботлаш учун биргаликда ишлатилиши мумкин. Маълумотлар базасида барча хорижий илмий даражалар ёки университетлар рўйхати мавжуд эмаслиги сабабли, баъзи ҳолларда таққослаш учун индивидуал аризалар талаб қилинади. Бундай ҳолда, ариза берувчи ENIC-NARIC марказларига таққослаш ҳисоботи учун мурожаат қилади. Хизмат нархи биринчи ҳужжат топширишда 200 евро ва кейинги ёки такрорий ҳужжат топширишда 100 евро ташкил қилади. Керакли ҳужжатлар рўйхати диплом берган давлатга қараб фарқланади. Масалан, дипломи Ўзбекистондаги таълим муассасаси томонидан берилган ариза берувчилар учун зарур ҳужжатлар рўйхатига имзоланган ариза, ўзбек тилидаги дипломнинг тасдиқланган нусхаси, бутун курс бўйича ўқитилган фанлар кўрсатилган диплом иловаси, диплом ва унинг иловасининг немис тилига таржимаси оддий нусхада, ўрта мактабни тугатганлиги ҳақидаги аттестат нусхаси, шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси киритилган.

Польша

Польшада нострификация таълим тўғрисидаги ҳужжат Польшанинг тегишли дипломига ёки касбий малакага эквивалент деб тан олинмаган ҳолларда чет эл дипломининг Польша

дипломига эквивалентлигини аниқлаш учун амалга ошириладиган расмий тартиб ҳисобланади⁵. Унинг тартиб-қоидалари Фан ва олий таълим вазирлиги томонидан белгиланади. Шу билан бирга, нострификация тартибининг ўзи ариза берувчининг таълим тўғрисидаги ҳужжати тегишли бўлган фан бўйича А+, А ёки В+ илмий тоифасига эга бўлган олий таълим муассасалари томонидан амалга оширилади. Ариза берувчилар уларнинг рўйхати билан Фан ва олий таълим вазирлиги веб-сайтида танишишлари мумкин. Ариза берувчи нострификация тартибни амалга оширишга ваколатли тегишли олий таълим муассасасига ариза беради. Аризага куйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- олий таълим муассасасини тамомлаганлик тўғрисидаги диплом;
- таълим натижалари ва давомийлигини баҳолаш ҳужжатлари;
- олий таълим дастури бўйича ўқишга кириш учун асос бўлган аттестат, диплом ёки бошқа ҳужжат.
- ариза расмий баҳолагандан сўнг, нострификация қилаётган ўқув муассасаси ариза берувчидан ушбу ҳужжатларнинг поляк тилига таржимасини тақдим этишни талаб қилиши мумкин.

Бундан ташқари, нострификация қилаётган олий таълим муассасаси ўша муассасанинг таълим дастури ва давомийлигини, таълим натижаларини, берилган касбий ҳуқуқ ва малакаларни ўқиш дастури ва давомийлигини, таълим натижаларини, шу каби курс якунида берилган касбий ҳуқуқлар ва малакаларни солиштиради. Агар ўқув режаси, давомийлиги ёки таълим натижаларида тафовутлар аниқланса, нострификация қилаётган муассаса ариза берувчини, ўтказиш шартлари ва муддатларини кўрсатган ҳолда, муайян имтиҳонлар ёки касбий амалиётларни топшириши шартлигини белгилаши мумкин. Ҳужжатлар тўлиқ қабул қилинган кундан бошлаб 90 кун ичида олий таълим муассасаси ариза берувчининг дипломини эквивалент деб тан олади ёки тан олишни рад этади.

Нострификациялаш учун йиғим нострификацияни ўтказиётган олий таълим муассасасининг ҳисоб рақамига ёки кассирга тўланади. Хизматнинг максимал қиймати университет профессори иш ҳақининг 50% ни ташкил қилади. Таълим муассасалари нострификация тартиби учун тўловни тўлаш талаблари ва шартларини мустақил равишда белгилайдилар.

2015 йилдан бошлаб таълим тўғрисидаги ҳужжатларини автоматик тарзда тан олиш тушунчаси ҳам мавжуд. Европа Иттифоқи, Европа иқтисодий ҳудуди (ЕИХ) ёки ИХТТга аъзо давлатларда ўрта таълимни тамомлаганлигини тасдиқловчи сертификатлар, дипломлар ёки бошқа ҳужжатлар, шунингдек, бундай ҳужжат берилган давлатдаги олий

⁵ <https://www.gov.pl/web/edukacja-i-nauka/recognition-of-foreign-school-certificates-and-diplomas-in-poland>

таълим дастурларига ҳужжат топшириш ҳуқуқи Польшада автоматик равишда тан олинган. Бундай ҳужжатлар эгалари ҳеч қандай қўшимча тартиб-қоидалардан ўтмасдан Польша университети ёки олий ўқув юртига ўқиш учун ариза бериш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, ҳужжатларни бу каби автоматик тан олиш қўйидаги ҳолларда ҳам қўлланилади:

- Женевада Халқаро Бакалавр ташкилоти томонидан берилган IB (International Baccalaureate) дипломлари.
- 1994 йил 21 июнда Люксембургда қабул қилинган Европа мактаблари низомини белгиловчи Конвенцияга мувофиқ Европа мактаблари томонидан берилган EB (European Baccalaureate) дипломлари.

Хорижда мактаб ёки таълим муассасалари томонидан дипломларни ўзаро тан олиш тўғрисидаги икки томонлама шартномаларда белгиланган тамойилларга мувофиқ берилган сертификатлар, дипломлар ва бошқа ҳужжатлар. Агар сертификат ёки бошқа ҳужжат у берилган давлатдаги айрим олий таълим дастурларига кириш учун ариза бериш ҳуқуқини берадиган бўлса, у Польшада бир хил ёки шартлари ўхшаш ўқув дастурларига олий таълим дастурларига кириш учун ариза бериш ҳуқуқини берувчи ҳужжат сифатида тан олиниши керак.

Ариза берувчининг яшаш жойига ёки ариза берувчи ариза бермоқчи бўлган муассасанинг рўйхатдан ўтган жойига қараб таълим бўлими бошлиғи мактаб дипломларини тан олиш тўғрисида ваколатли шахс ҳисобланади. Таълим бўлими бошлиғи бошқа давлатда олинган сертификатни бошланғич, тўлиқсиз ўрта, асосий касб-ҳунар ёки тўлиқ ўрта таълим олганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида тан олиши, шунингдек, ариза берувчининг таълимни давом эттириш ҳуқуқини тасдиқлаши мумкин. Бу тартибни бошлаш учун ариза берувчи тан олиш тўғрисидаги ариза ва ихтисослашган таржимон томонидан поляк тилига таржима қилинган апостиль қўйилган дипломни тақдим этиши керак.

Австралия

Бошқа мамлакатларда олинган таълим ҳужжатларини тан олиш тартиби ушбу мамлакатда яшаш мақсадларига боғлиқ. Масалан, мигрантларни ишга жойлаштириш учун Австралия ҳукумати томонидан белгиланган ҳудудларда Австралиянинг иқтисодий ва ишчи кучи эҳтиёжларини қондиришга ёрдам берадиган малакали ишчилар миграцияси дастури мавжуд. Бу дастур бўлажак потенциал мигрантлардан Австралияда ишлаш учун зарур бўлган стандартларга жавоб беришини таъминлаш учун уларнинг кўникмалари, малакаси ва/ёки иш тажрибасини баҳолашдан ўтишларини талаб қилади. Малакаларни баҳолаш

Австралия ҳукумати томонидан тасдиқланган тегишли баҳолаш органлари томонидан амалга оширилади.

Агар ариза берувчи Австралияда ишлашни давом эттирмоқчи бўлса, таълим малакасини тан олиш жараёни танланган касбга қараб фарқ қилиши мумкин. Австралияда махсус билим ва кўникмаларни талаб қиладиган касблар рўйхатдан ўтиш, лицензиялаш, профессионал аъзолик ёки бажарилиши керак бўлган бошқа саноат шартларини талаб қилади. Ушбу касбларнинг малакасини баҳолаш учун масъул бўлган ваколатли ташкилотлар мавжуд.

Ушбу касблардан ташқари, ариза берувчи Хорижий малака бўйича бўлимларга мурожаат қилиши мумкин, у ерда мутахассислар ариза берувчининг малакасини умумий тартибда баҳолайдилар ва унинг малакасини чет элда қандай тан олиниши бўйича маслаҳат берадилар. Бундай тартибни бошлаш учун ариза берувчи керакли ҳужжатлар тўпламини оддий ёки электрон почта орқали ёки ҳужжатларни онлайн юклаш орқали юборади (хорижий малака бўлимининг тегишли бўлими талабларига қараб). Керакли ҳужжатлар рўйхати қуйидагиларни ўз ичига олади:

- диплом ёки сертификат, унинг иловаси ва ушбу ҳужжатларнинг таржимаси;
- Австралия резиденти тўғрисидаги ҳужжат/ паспорт / виза;
- барча ҳужжатлар ваколатли шахслар томонидан тасдиқланган бўлиши зарур.

Агар ариза берувчи Австралияда ўқишни давом эттирмоқчи бўлса, таълим муассасасига мурожаат қилишнинг ўзи kifоя. Университет ёки бошқа таълим муассасаси ариза берувчининг ўқишга кириш учун чет элдаги малакасини баҳолайди.

Бу ерга таҳлил қилинаётган Ўзбекистон ва Европа давлатларидаги 2 та давлат хизматини кўрсатиш жараёнининг қиёсий жадвалини (шартлари, нархи, имконияти, ҳужжатлар рўйхати ва бошқалар) қўшиш керак.

1-жадвал. Ўзбекистон ва Европа давлатларида давлат хизматларини кўрсатиш жараёнининг солиштирма таҳлили

| Мамлакат | Хизматлар | Қўшимча турлари | Талаб қилинадиган ҳужжатлар | Ижрочилар | Тартиблар | Муддати | Баҳоси |
|---------------|--|---|---|--|---|--|--------------------------------|
| Буюк Британия | Умумий мақсадларнинг ўзаро таққослана олинishi тўғрисида ҳисобот | Иш, ўқиш, касбий йўналиш ва бошқалар учун | Диплом ва иловасининг нусхаси Ҳужжатларнинг тасдиқланган таржимаси | ENIC-NARIC марказлари | Халқаро диплом Буюк Британия таълим тизими билан таққосланади | 15 кун | £49.5 (69\$) |
| | Касбий малака ва уларнинг тавсифи тўғрисида ҳисобот | Ходимнинг касбий малакаси кўрсатилган меҳнат варақаси | | ENIC-NARIC марказлари Касб-ҳунар ташкилотлари | 1-босқич – диплом берган муассасанинг ўша дипломни тасдиқлаши 2-босқич – курс тафсилотлари асосида малакаларни тавсифлаш | 30-45 кун | 60£ (82\$) 414£ (570\$) |
| | Хорижий малака даражасининг мувофиқлиги тўғрисида ҳисобот | Ходимнинг илмий малакаси кўрсатилган меҳнат варақаси | | | | Олий маълумотли (бакалавр, магистр ва фан доктори даражасига эга) ариза берувчининг малакасини таққослаш | |
| Франция | Солиштириш сертификати | Тартибга солинмайдиган касблар учун | Таълимнинг расмий давомийлик даврини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси | ENIC-NARIC марказлари | Лиссабон конвенциясида белгиланган танлов бва баҳолаш мезонларига кўра, ҳар бир аризани алоҳида ўрганиш | 4 ойгача | 70€ (82\$) |

| | | | | | | | |
|----------|---------------------------|-----------------------------------|--|--|---|---------------|------------------------------|
| | | | Хужжатларнинг тасдиқланган таржимаси | | | | |
| | Малака сертификати | Тартибга солинадиган касблар учун | Ижрочига қараб турлича бўлади | Франция ва ЕИнинг касб-хунар бўйича уюшмалари/ Франция расмий органлари | Ижрочига қараб турлича бўлади | | |
| Германия | Мувофиқлик сертификати | Тартибга солинмайдиган касблар | Ариза, диплом ва унинг иловаси нусхалари, диплом ва унинг иловаси таржимаси, шахсни тасдиқловчи хужжат нусхаси | ENIC-NARIC марказлари/ | Хорижий малакани Германиядаги малака билан солиштириш | Кўрсатилмаган | 200€ (235\$) 100€ (117\$) |
| | | | Талаб этилмайди | Anabin маълумотлар базаси | Ариза берувчининг ўзи мустақил тарзда ўқув муассасасининг мақоми ва олинган малакани текширади ва натижани чоп қилади | Дарҳол | Бепул |
| | Хорижий малакани тан олиш | Тартибга солинадиган касблар | Масъул ташкилотга кўра фарқланади | Масъул ташкилот | Масъул ташкилотга кўра фарқланади | | |

| | | | | | | | |
|-----------|---|---|---|--|---|--------|---|
| Польша | Таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш | Барча учун мажбурий | Олий ўқув юртини битирганлик тўғрисидаги диплом; таълим натижалари ва давомийлигини баҳолаш ҳужжатлари; олий таълим дастури бўйича ўқишга кириш учун асос бўлган аттестат, диплом ёки бошқа ҳужжат. | А +, А ёки В + илмий тоифасига эга олий ўқув юртлари | Дастур ва таълим давомийлиги, таълим натижалари, тақдим қилинган касбий ҳуқуқ ва малакаларни тегишли дастур билан таққослаш | 90 кун | университет профессори мукофот пулининг 50% |
| Австралия | Таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш | Малакали кадрларни миграция қилиш дастури | - | Ваколатли давлат органлари | Ариза берувчиларнинг малака ва кўникмалари текширилади | - | - |
| | | Тартибга солинадиган касблар | Масъул ташкилотга кўра фарқланади | Касб-ҳунар ташкилотлари | Масъул ташкилотга кўра фарқланади | | |

| | | | | | | | |
|------------|---|---|--|---|--|-------|-------------------------------|
| | | Тартибга солинмайдиган касблар | Диплом ёки сертификат, унинг иловаси ва ушбу хужжатларнинг таржимаси; Австралия резиденти тўғрисидаги хужжат/ паспорт / виза; | Хорижий малака бўйича бўлимлар (ENIC-NARIC) | Ариза берувчининг малакасини баҳолаш ва ариза берувчининг хорижда олган малакасини тан олиш тартиби қандай бўлиши ҳақида маслаҳатлар ўтказиш | - | 450 Австралия доллари (\$326) |
| | | Ўқишни давом эттириш учун | Ижрочининг талабига кўра | Ўқув муассасалари | Ариза берувчи ўқишни давом эттирмоқчи бўлган ўқув муассасасига тўғридан-тўғри мурожаат қилади. | - | - |
| Ўзбекистон | Таълим тўғрисидаги хужжатларни нострификациялаш | Умумий ўрта таълим тўғрисидаги хужжатларни нострификациялаш | Таълим тўғрисидаги хужжатнинг асл нусхаси (ёки ЯИДХП орқали | Халқ таълими ҳудудий бошқармалари | Хужжатларнинг миллий стандартлар ва маълим меъёрларига мувофиқлиги экспертлар | 6 кун | Бепул |

| | | | | | | | |
|--|--|--|--|---|---|---------------------|------------------------------------|
| | | <p>Ўрта махсус, касб-хунар ва олий маълумот тўғрисидаги хужжатларни нострификациялаш</p> | <p>топширилганда, унинг нусхаси) ва унинг иловаси;</p> <p>Таълим тўғрисидаги хужжат ва унинг иловасининг давлат тилига таржима қилинган, нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси</p> <p>Шахсни тасдиқловчи хужжат (ДХМ орқали мурожаат қилинганда)</p> | <p>Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси</p> | <p>комиссияси томонидан текширилади</p> | <p>15 кун ичида</p> | <p>3 БҲМ – 810 минг сўм (\$76)</p> |
|--|--|--|--|---|---|---------------------|------------------------------------|

Давлат хизматларни кўрсатиш бўйича қонунлар, қонуний ҳужжатлар ва тартиб-қоидалар

Умумий таъриф ва тушунчалар

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш Вазирлар Маҳкамасининг *2019 йил 24 июлдаги 620-сонли «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида»*⁶ и қарори асосида тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга оширилади. Мазкур қонунчилик ҳужжати хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини белгилайди. Бундан ташқари, *Таълим тўғрисидаги қонун*⁷га мувофиқ, хорижий давлатда 1992 йил 1 январдан кейин олинган таълим тўғрисидаги ҳужжат (умумий ўрта, ўрта, касб ҳунар ўрта махсус, олий маълумот, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ҳужжатлар) тан олиш жараёнидан ўтказилганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қонуний кучга эга ҳужжат сифатида тан олинади.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш (кейинги ўринларда нострификациялаш, деб юритилади) – хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат эгасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим олиш ва (ёки) касбий фаолият юритиш учун рухсат бериш мақсадида ваколатли давлат органлари томонидан хорижий давлатларда олинган таълим малакасини расман тасдиқлашни аниқлатади⁸. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ва хорижий давлатларнинг ҳукуматлари ўртасидаги икки томонлама битимлар асосида таълим тўғрисидаги ҳужжатларни ўзаро тан олиш амалга оширилиши мумкин. (637-ЎРҚ, 40-модда).

2019 йил январь ойидан бошлаб таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) учун аризалар фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат хизматлари марказлари (кейинги ўринларда ДХМ деб юритилади) ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда ЯИДХП деб юритилади) орқали қабул қилинади⁹. Бунда 2022 йил 1 январдан кейин хорижий давлатларда олинган

⁶ <https://lex.uz/docs/4441142#4451891>

⁷ <https://lex.uz/ru/docs/5013009>

⁸ <https://lex.uz/docs/4441142#4451891>

⁹ <https://lex.uz/ru/docs/4164671>

таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олинishi тўғрисида ариза беришда уларга ҳужжат берган давлатнинг ваколатли органи томонидан апостиль қўйилиши керак¹⁰.

Хорижий давлатларда олинган умумий, ўрта ва олий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш (кейинги ўринларда нострификациялаш деб юритилади) тартиби иккита давлат хизматини кўрсатиш йўли билан амалга оширилади:

- Хорижий давлатда берилган ўрта ёки ўрта умумий таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш тўғрисидаги аризани тақдим этиш (бепул хизмат);
- Таълим тўғрисидаги ҳужжатни нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) учун электрон ариза бериш (2 БҲМ/ 3 БҲМ).

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва вилоятлар бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар) томонидан амалга оширилади. Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тўғрисидаги ҳужжатни нострификациялаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Давлат инспекцияси деб юритилади) томонидан амалга оширилади. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги ҳужжатни нострификациялаш қиймати 2 БҲМ (540 минг сўм), олий маълумот учун эса 3 БҲМ (810 минг сўм)ни ташкил қилади.

Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақида ижобий хулоса бериш учун қуйидагилар асос ҳисобланади:

- хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатни берган таълим муассасаси ва ушбу муассаса томонидан берилган ҳужжатнинг ўша давлат томонидан тан олинган бўлиши;
- хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжат беришга асос бўлган таълим стандартларининг ёки таълим дастурларининг Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган давлат таълим стандартлари ва таълим дастурларига мувофиқлиги;
- Ўзбекистон Республикаси ва хорижий таълим тўғрисида ҳужжатни берган давлатнинг таълим тизимига қўйилган умумий талабларнинг мослиги.

Нострификациялаш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

¹⁰ 2021 йил 3 июнь кунги 345-сонли ВМҚга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, <https://lex.uz/docs/5443524>

- хорижий давлатда ўқишнинг умумий муддати Ўзбекистонда кўзда тутилган ўқиш муддатидан кам бўлган ҳолатларда (касбий таълим – икки йилдан кам; бакалаврият – уч йилдан кам бўлса ёки ўқиш давомида 240 дан кам кредит тўплаган бўлса, магистратура – ўқиш муддати бир йилдан кам бўлса);
- хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжат берилган давлатда унинг эгасига Ўзбекистон Республикасидагига қараганда таълим олиш ва (ёки) касбий фаолият билан шуғулланиш учун кам ҳуқуқлар берилган бўлса;
- маълумот Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилмаган таълим шаклида олинган бўлса;

Ёки олий таълим босқичларида:

- бакалаврият бўйича ўқиш муддати уч йилдан кам бўлса ёки Европа таълим тизими асосида ўқиш давомида 240 дан кам кредит тўплаган бўлса;
- магистратура бўйича ўқиш муддати бир йилдан кам бўлса;
- бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари қўшиб ўқитиладиган таълим дастурлари бўйича таълим олганда умумий ўқиш даври уч йилдан кам бўлса;

Бу хизматлардан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, улар вояга етмаган бўлса ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар бўлган ариза берувчилар давлат хизматлари марказлари (ДХМ) ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали белгиланган тартибда мурожаат қиладилар. Ариза-сўровномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:


- хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат ва унга илованинг сканер қилиниб, pdf форматида сақланган нусхаси;
- хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат ва унга илованинг , Ўзбекистон Республикаси давлат тилига таржима қилинган нотариал тасдиқланган ҳамда сканер қилиниб, pdf форматида сақланган нусхаси;
- Шахсни тасдиқловчи ҳужжат (ДХМ орқали мурожаат қилинганда)
- Агар сўровнома ЯИДХП орқали берилаётган бўлса, ариза берувчининг шахси ЭРИ ёрдамида тасдиқланади.

Керакли ҳужжатларни тайёрлаб бўлган, ариза берувчи ДХМ/ЯИДХПга мурожаат қилади. Шундан сўнг унинг сўровномаси ваколатли органга юборилади (1-расм)

Агар тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга жавоб бермаса уларни камчиликларини кўрсатган ҳолда давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгорга қайтариб юборади. Қалбаки ҳужжат аниқланган тақдирда, тақдим этилган ҳужжатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жўнатилади.

Агар ариза берувчи барча талабларга мувофиқ ҳужжатларини тақдим этса, бу ҳужжатлар экспертиза қилиниши учун ваколатли орган таркибида 5 нафардан 21 нафаргача мутахассис бўлган эксперт комиссияларни ташкил қилади. Эксперт комиссиялари таркибига Давлат инспекцияси ходимлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар тизимидаги ташкилотлар ва муассасаларнинг етакчи олимлари ва мутахассислари киритилади.

1-расм. Нострификациялаш жараёни иштирокчилари



Эксперт комиссияларининг асосий вазифалари ариза берувчиларнинг ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, экспертиза натижалари бўйича тегишли хулосани тайёрлаш ва тақдим этишдан иборат (2-расм). Комиссия аъзолари фаолият йўналишлари бўйича ариза берувчининг ҳужжатларини яқка тартибда кўриб чиқиш учун ўзаро тақсимлайдилар. Бу

тартиб давомида эксперт комиссияси аъзосида ҳужжат юзасидан тушунмовчиликлар ёки шубҳалар юзага келса, ҳужжат комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан жамоавий тарзда ўрганилади ва якуний хулоса чиқарилади.

Ҳужжатнинг ҳақиқийлиги Давлат инспекцияси томонидан тегишли мамлакатлар ва ташкилотларга расмий сўров юбориш йўли билан аниқланади. Мурожаатни давлат органлари томонидан кўриб чиқиш жараёнида нотўғри маълумотлар аниқланса, нострификациялаш жараёни тўхтатилади, қалбаки ёки чалғитувчи ҳужжатлар ҳудудий бошқармалар ёки давлат инспекцияси томонидан тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қонун ҳужжатларига мувофиқ чора кўриш учун юборилади ва бунда хизмат учун тўланган давлат божи қайтариб берилмайди. Шунингдек, агар ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортса ҳам, тўлов қайтарилмайди.

Ариза берувчининг ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш давлат таълим стандартлари ва давлат талаблари, таълим муассасаларини улар жойлашган мамлакатларда тан олинганлиги тўғрисидаги ҳужжат ёки гувоҳнома, хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари ва уларнинг иловаларига мувофиқ амалга оширилади. Мазкур экспертиза ўқитиладиган ўқув режалари ёки дастурларининг таркиби ёки ҳажми ва мазмуни, ўрганилаётган фанлар ва уларнинг соатлари, амалиётнинг мавжудлиги ва унинг давомийлигини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Олий маълумот ҳақидаги ҳужжатни нострификациялаш амалга оширилган тақдирда эксперт комиссияси тест синовлари учун материалларни ҳам ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

2-расм. Эксперт комиссиясининг вазифалари



Нострификациялаш жараёнида иштирок этувчи фронт-офис ва бэк-офислар Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган тартибларга мувофиқ фаолият юритади.


Умумий ва ўрта таълим тўғрисидаги ҳужжатни нострификациялаш тартиби (бепул хизмат)

Умумий ва ўрта таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш учун ариза топширилгандан сўнг ҳужжатлар ҳудудий халқ таълими бошқармаларига юборилади. Ҳудудий бошқармалар 1 иш куни ичида ариза берувчининг сўровномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар пакети тўлиқлиги текширади. Шундан сўнг, ариза 3-5 кишидан иборат ариза берувчининг ҳужжатларини ўрганиш комиссиясига юборилади. Комиссия таркиби ҳудудий бошқармалар раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

Хорижий давлатда умумий таълим муддати камида 9 йил, ўрта таълим эса камида 11 йил бўлса, комиссия уч иш куни ичида таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш тўғрисида ҳулоса тайёрлайди. Бунда, хорижда олинган умумий ва ўрта таълим тўғрисидаги ҳужжат Ўзбекистон Республикасида олинган умумий ва ўрта таълим тўғрисидаги ҳужжатга тенглаштирилади. Комиссия ҳулосасига мувофиқ, ҳудудий бошқарма бошлиғи буйруқ чиқаради, ва унинг асосида таълим тўғрисидаги ҳужжатнинг эквивалентлиги тўғрисида маълумотнома расмийлаштирилади, сўнгра ариза берувчига бериш учун ДХАга ёки ЯИДХП орқали электрон шаклда юборилади. Маълумотнома расмийлаштирилгандан

кейин бир соат ичида ариза берувчи ДХМ ходимлари томонидан хабардор қилинади. Шундай қилиб, тартиб-қоидаларга мувофиқ хизматларни кўрсатиш муддати 5-6 иш кунини ташкил қилади.

1-СХЕМА. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ХУЖЖАТНИ НОСТРИФИКАЦИЯЛАШ



Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тўғрисидаги ҳужжатни нострификациялаш тартиби (2 БҲМ/ 3 БҲМ)


Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш тартиби кўп жиҳатдан умумий ва ўрта таълим тўғрисидаги нострификациялаш жараёнига ўхшайди, бироқ жиддий фарқлар мавжуд. Бундан ташқари, ушбу хизмат иккита тартиб-қоида асосида тақдим этилади, чунки олий маълумотга оид ҳужжатларда нострификациялаш жараёни фарқланади.

Ариза берувчи ДХА ёки ЯИДХПга ариза топширгандан сўнг, ҳужжатлар Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига экспертиза учун юборилади. Ариза берувчи барча зарур ҳужжатларни топширган бўлса, улар қабул қилинганидан кейин бир иш кунидан кечиктирмай тегишли таълим йўналишлари бўйича Давлат инспекцияси раҳбари томонидан тузилган эксперт комиссиясига юборилади. Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш рад этилган тақдирда, Давлат инспекциясининг мансабдор шахси томонидан тасдиқланган эксперт комиссияларининг хулосаси тўғрисидаги хабарнома бир иш кун ичида ариза берувчига бериш учун ДХМ ёки ЯИДХПга юборилади.

Таъкидлаш жоизки, ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги ҳужжатни нострификациялаш олий таълим ва қайта тайёрлаш тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялашдан фарқли ўлароқ, тест синовларини талаб қилмайди. Яъни, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари берган ҳужжатларни нострификациялаш бўйича эксперт комиссиясининг ижобий хулосаси ўз-ўзидан таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим ва кадрларни қайта тайёрлашда эксперт комиссиясининг ижобий хулосаси ариза берувчини тест синовларида иштирок этишга рухсат бериш учун асос бўлади. Бунда эксперт комиссияси ариза берувчининг билимини текшириш учун тест материалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Давлат инспекцияси тест синовларини ташкил этиш бўйича масъул орган ҳисобланади. Тест синовларини ўтказиш санаси Давлат инспекцияси томонидан белгиланади ва тест синовлари ўтказиладиган санадан камида 10 кун олдин расмий веб-сайтга жойлаштирилади. Тест 50 та саволдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирига 2 дақиқадан вақт берилади. Ҳар бир тўғри жавоб 2 балл билан баҳоланади. Агар ариза берувчи 54 ёки ундан кам балл тўплаган бўлса, нострификациялаш рад этилади.

2-СХЕМА. ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ ҲУНАР ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ БЕРГАН ҲУЖЖАТНИ НОСТРИФИКАЦИЯЛАШ



Синовдан ўта олмаган тақдирда, ариза берувчилар ДХМ ёки ЯИДХП орқали қайта синовдан ўтиш учун ариза топширишлари мумкин. Тест синовларини қайта топшириш учун ариза берувчилардан 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМ) икки баравари ҳажмида, яъни 540 минг сўм ундирилади¹¹. Ариза берувчига тест синовларига киришига рухсат берилган бўлса-да, тест синови ўтказиладиган сана расмий веб-сайтда эълон қилинган кундан эътиборан олти ойдан ортиқ вақт давомида унда иштирок этмаган бўлса, бу ариза берувчининг аризалари бекор қилинади ва қайта сўровнома бериши талаб этилади.

Баъзи ҳолларда нострификациялаш тўғридан-тўғри (синовларсиз) амалга оширилади:

- ариза берувчининг таълим олганлик тўғрисидаги барча ҳужжатлари хорижий давлатда берилган бўлса;
- ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алоҳида бўлинмалари (филиаллари) ва қўшма таълим муассасалари фаолият юритаётган хорижий таълим муассасаларида таълим олган бўлса;
- ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан рўйхати ҳар йили тасдиқланадиган халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, Academic Ranking of World Universities) рейтингда олий таълим муассасалари орасида биринчи 1 000 ўринни эгаллаган хорижий олий таълим муассасаларида таълим олган бўлса;
- ариза берувчи тизимида олий таълим муассасалари бўлган Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг йўлланмалари асосида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун хорижий давлатлар томонидан ажратилган квоталар (грантлар) ҳисобидан таълим олган бўлса;
- 1992 йил 1 январгача хорижий таълим муассасаларига ўқишга кирган талабгорларнинг ҳужжатлари;
- ариза берувчи Олий таълимда сифатни кафолатлаш Европа ассоциациясининг (European Association for Quality Assurance in Higher Education) тўлақонли аъзолари – ваколатли ташкилотлар томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган бўлса, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

¹¹2021 йил 1 сентябрдан бошлаб базавий ҳисоблаш миқдори (БХМ) – ойига 270 000 сўм қилиб белгиланган.


томонидан белгиланадиган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;

- ариза берувчи Америка Қўшма Штатлари, Австралия Иттифоқи, Исроил Давлати, Канада, Сингапур Республикаси, Корея Республикаси, Япония давлатларининг ушбу давлатлар ваколатли ташкилотлари томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган бўлса, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;
- хорижий олий таълим муассасаларида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар.

Ариза берувчилар хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни экспертиза қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича – эксперт комиссиясининг хулосасини олган кундан бошлаб ўн иш куни ичида, тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар бўйича – синовлар ўтказилган куни, тест синовлари натижаларидан норозилиги бўйича – синовлар натижалари эълон қилинган пайтдан бошлаб ўн иш куни ичида Давлат инспекциясига шикоят қилишлари мумкин.

Қарорга кўра, ариза берувчилар (ёки талабгорлардан) тушган шикоятлар Давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи билан ташкил этиладиган апелляция комиссияси томонидан икки ҳафта ичида кўриб чиқилади ва талабгорларга ёзма равишда жавоб юборилади. Бундан ташқари, хорижий давлатларда олий таълим ва кадрларни қайта тайёрлаш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни экспертиза қилишда иштирок этган эксперт комиссиялари аъзолари апелляция комиссиялари таркибига киритилиши мумкин эмас. Таъкидлаш жоизки, шикоятни апелляция комиссиялари томонидан кўриб чиқиш жараёнида талабгор ҳам бевосита иштирок этишга ҳақли.


3-СХЕМА. ОЛИЙ МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲУЖЖАТНИ НОСТРИФИКАЦИЯЛАШ




Иккита давлат хизматлари статистикасини таҳлил қилиш

Наманган шаҳрида 2019 йилда ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш учун келиб тушган мурожаатлар сони 128 тани, такрорий аризалар эса 161 тани ташкил этди. Қабул қилинган янги мурожаатларнинг деярли 70% и рад этилган, 27% и хизматдан фойдаланган, 4% сўровномалар эса бекор қилинган. Қайта ҳужжат топширишда бу тенденция сақланиб қолган. Жорий йилда умумий ўрта таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш учун бирорта ҳам ариза келиб тушмади. 2020 йилда аризалар сони сезиларли даражада камайган – 34 та янги, 29 та такрорий ва атиги 4 та мурожаат ўрта умумий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш билан боғлиқ бўлган. Берилган 34 та янги аризалар натижасида 27% хизматдан фойдаланган бўлса, деярли 70% хизматдан фойдаланолмаган ва 3% аризалар ҳозирда кўриб чиқилмоқда. Ҳужжатларни қайта топширишда рад этиш даражаси юқорироқ – 82%, мурожаат этувчиларнинг 14% и хизматдан фойдаланган, қолган 4% ариза бекор қилинган. Умумий ўрта таълим тўғрисидаги ҳужжатни нострификациялаш учун мурожаат қилган тўрт нафар фуқародан иккитасига хизмат кўрсатилган, икки нафари эса рад жавобини олган. 2021 йилда янги мурожаатлар сони 37 тани, такрорийлари – 41 тани, ўрта умумий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш учун атиги битта аризани ташкил этди. Янги аризаларнинг 51% и рад этилган, 14% и эса бекор қилинган. Талабгорларнинг 11% и хизматлардан фойдаланди, яна 24% и кўриб чиқилмоқда. Такрорий сўровномалар орасида 73% ҳолларда нострификациялаш рад этилган, 14% нострификацияланган, 5% ҳолларда эса ариза бекор қилинган. Ўрта умумий таълим тўғрисидаги ҳужжатни нострификациялаш учун мурожаат қилган ариза берувчи тан олиш тўғрисидаги сертификатини олди.

2019-2021 йилларда иккита давлат хизматининг статистикаси, Наманган








2019 йилда Нукус шаҳрида ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим тўғрисидаги хужжатни нострификациялаш учун 152 та ариза келиб тушган. Уларнинг 71% ига нострификациялаш рад этилган, 23% и тан олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома олган ва 6% ҳолларда сўровнома бекор қилинган. Ариза қайта юборилган тақдирда ҳам худди шундай тенденция давом этмоқда. Бу даврда ўрта умумий таълим бўйича аризалар келиб тушмаган. 2020 йилда

51 та янги ва 22 та такрорий ариза келиб тушди. Ҳар икки ҳолатда ҳам рад этиш салмоғи юқори – 77% ва 65%. Ариза берувчиларнинг 30% биринчи аризада ва 18% қайта ариза беришда тан олинганлик сертификатини қўлга киритди. Жорий йилда янги мурожаатлар сони 49 та, такрорий аризалар сони 18 та ва ўрта умумий таълим муассасаларини нострификациялаш бўйича аризалар 3 тани ташкил этди. Қайта мурожаат қилишда рад этишнинг юқори даражаси қайд этилган (61%). Ўрта умумий таълим тўғрисидаги ҳужжатни нострификациялашни хоҳловчи ариза берувчиларнинг 67% и тан олинганлик тўғрисидаги гувоҳномани олганлар.


2019-2021 йилларда иккита давлат хизматининг статистикаси, Нукус





Нурафшонда мурожаатлар сони Наманган ва Нукус шаҳарларига нисбатан анча кам. Хусусан, 2019 йилда таълим тўғрисидаги хужжатни нострификациялаш учун бор-йўғи 5 киши мурожаат қилган, шундан учтаси рад этилган. 2020 йилда 6 нафар талабгордан беш нафарининг аризаси биринчи марта рад этилган, қайта мурожаат қилган 7 нафардан тўрт нафари рад этилган. 2021 йилда 4 та янги аризадан учтаси бу хизматдан фойдаланган. 2019-2021 йилларда ўрта умумий таълим тўғрисидаги хужжатларни нострификациялаш учун аризалар келиб тушмаган.



2019-2021 йилларда иккита давлат хизматининг статистикаси, Нурафшон







Тажриба шаҳарларидаги нострификациялаш хизматларидан фойдаланган аҳоли ўртасида ўтказилган сўров натижалари

Тадқиқот жараёнида уч пилот ҳудуд – Нурафшон, Нукус ва Наманган шаҳарларида ўрганилаётган давлат хизматларидан фойдаланганлар ўртасида сўров ўтказилди. Ушбу сўровнома 2021 йил июль-сентябрь ойларида телефон суҳбатлари орқали ўтказилди. 2019-2021 йиллардаги талабгорлар рўйхати ДХМ томонидан тақдим этилган. Сўров натижаларига кўра, жами танлаб олинган кишилар 201 нафарни ташкил қилиб, улардан 100 таси Наманган, 90 таси Нукус ва 11 таси Нурафшон шаҳрилик респондентлардир. Сўровда қатнашган ариза берувчиларнинг 52% дан ортигини эркаклар, қарийб 48% ини аёллар ташкил этди. Респондентларнинг ўртача ёши 34 ёш. Респондентларнинг ярмидан кўпи (деярли 55%) 30 ёшдан 40 ёшгача бўлганлар, 16% и эса 40 ёшдан ошганлардир. Сўровда қатнашганларнинг деярли учдан бир қисми 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Суҳбатдошлар орасида ногиронлиги бўлган шахслар йўқ эди.



Ариза берувчиларнинг аксарияти (деярли 85%) бакалавр даражасига, деярли 13% и эса магистр даражасига эга. Таълимнинг етакчи йўналиши педагогика (28%) бўлган бўлса, респондентларнинг 18% иқтисод ва молия, 10% – ҳуқуқ ва юриспруденция, 8% – бизнес ва менежмент йўналишида таҳсил олганлар. Талабгорларнинг 6,2% и тиббиёт ва АКТни кўрсатди. Яна 4% – энергетика ва филология соҳаларида ўқиган шахслар бўлди. Респондентларнинг 3,6% и таълим йўналиши транспорт ва туризм эканлигини таъкидлаган. Бошқа тоифаларга табиий фанлар, математика, тарих, журналистика, авиация, муҳандислик, халқаро муносабатлар ва жисмоний тарбия кабиларни кўрсатиш мумкин.






Деярли 90% ҳолларда таълим тўғрисидаги ҳужжат берган мамлакатлар сифатида Қирғизистон, Қозоғистон ва Россия кўрсатилган. Респондентлар таълим олган мамлакат сифатида Украина (3,5%) ва Жанубий Кореяни (2,5%) ҳам қайд этишган. Респондентларнинг озроқ қисми Латвия, Польша, Туркия, Беларусь, Тожикистон ва Малайзия каби давлатларни эътироф этган.

Биз танлаб олган талабгорларнинг аксарияти олий маълумотга эга бўлишига қарамай, уларнинг учдан бир қисми вақтинча ишсиз эканликларини билдиришган. Респондентларнинг 24% и ўқитувчи, 15% и давлат хизматчилари, 10% и тадбиркорлар, деярли 5% и эса, тиббиёт ходимларидир. Фақат 1% қисми талабаларни ташкил қилган. Бошқа тоифага хусусий компанияларда ишловчилар, банк ходимлари, бухгалтерлар, бошқарув ходимлари ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Иш билан таъминланган респондентлар орасида кўпчилик (деярли 65%) давлат сектори ходимларидир.

Респондентларнинг иш билан бандлиги



Учта шаҳар



201 респондент

Наманган



100 киши

Нукус



90 киши

Нурафшон



11 киши



48% аёллар

34
ёш

Ўртача ёш



52% эркаклар



29% ёшлар



85% - бакалавр даражаси

28% -
педагогикани
ўрганишган




34% - ишсиз


Таълим тўғрисидаги ҳужжатни берган
давлатлар



Сўров натижаларига кўра, олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш хизмати ариза берувчилар орасида энг талабгирдир. Деярли барча ҳолларда талабгорлар олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш масаласида мурожаат қилишган. Респондентлар умумий сонининг деярли 80% и бевосита ДХМга, қолган 20% и ЯИДХП орқали мурожаат қилган. Умумий ўрта таълим ва ўрта махсус таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш бўйича, суҳбатдошларимиз сони унчалик кўп бўлмади. Ариза бериш пайтида талабгорлар томонидан топширилган ҳужжатлар меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келади. Барча ҳолатларда респондентлар таълим тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловасини топширганлар. Ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган таржимаси барча респондентлар томонидан ҳам берилавермаган (95%), бунинг натижасида ҳужжатлар қайта кўриб чиқиш учун қайтарилиши ёки ҳатто хизмат кўрсатишни рад қилинишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Шахсни тасдиқловчи ҳужжат 95% ҳолларда, ДХМ ёки ЯИДХП орқали онлайн ариза юбориш турига қараб, тақдим этилган.



Деярли 93% ҳолларда ҳужжатлар дарҳол қабул қилинган. Ҳужжатлари зудлик билан қабул қилинмаган 8% ҳолатларнинг деярли барчаси ҳужжатлари қайта кўриб чиқиш учун қайтарилган, айрим ҳолларда эса таълим тўғрисидаги ҳужжатининг нотариал тасдиқланган таржимаси йўқлиги сабаб бўлган.





Бирок, нострификациялаш тартиби натижалари респондентларнинг деярли иккига бўлинганлигини кўрсатади. Шу тарзда, тан олиш тартибидан ўтиш натижасида респондентларнинг 55% хорижий давлат томонидан берилган хужжатни тан олиш тўғрисидаги гувоҳнома/сертификатни ололмади. Нострификациялашни рад этишнинг асосий сабаби тест синовларида тўпланган баллар сонининг етарли эмаслиги (71%), ўқиш муддатларининг етарли эмаслиги (14%) ва ўқитишнинг шакли мос келмаслиги (9%) бўлди. 2% ҳолларда ариза кўриб чиқилмоқда. Рад этишнинг бошқа сабаблари орасида респондентнинг хизматдан воз кечиши, белгиланган тест синовларига келмаслик ва диплом берган мамлакатда таълим ва касбий фаолиятни давом эттириш ҳуқуқларининг кам эканлигини киритиш мумкин.



Деярли 40% ҳолларда, таълим тўғрисидаги айти ҳужжатини нострификациялаш учун респондентлар ДХМ / ЯИДХПга 1 мартадан кўпроқ мурожаат қилишган. Улардан учдан бир қисми таълим тўғрисидаги ҳужжатларини нострификациялаш учун 2-3 марта, деярли 7% и 4-5 марта, 1% дан ками эса 5 мартадан ортиқ мурожаат қилган. Респондентларнинг 62% ДХМ / ЯИДХПга бир хил таълим ҳужжатини бир марта нострификациялаш учун мурожаат қилган. Олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатни нострификациялаш хизматини кўрсатиш муддати 15 иш кунидан 2 ойгача ўзгариб туради.



Респондентларнинг 77% ига тест синови ўтиши кераклиги белгиланди. Сўровда уларга ажратилган вақт, тест ташкил этилиши, ўтказиладиган жойнинг қулайлиги, материалларнинг мавзуга алоқадорлиги ва тест топшириш усуллари каби жиҳатларни 1 дан 5 гача балл бўйича баҳолаш сўралган, бунда 1 балл жуда ёмон, 5 балл жуда яхши баҳони англатади. Респондентлар тест синовини ўтказиш учун ажратилган вақтга ўртача 4 балл берган бўлсалар, ташкилий масалалар бўйича 3,4 балл, ўтказиладиган жойнинг қулайлиги 3,4 балл, материалларнинг мавзуга алоқадорлигини 3,3 балл билан баҳоланганлар. Энг паст балл тест синовини топшириш усулларига берилган. Респондентлар тест топшириш учун Тошкентга келиши зарурлиги сабабли, бу жиҳатга улар 2,6 балл қўйишган. Ушбу ноқулайлик кўплаб респондентлар томонидан қайд этилган.





Умуман олганда, респондентлар (76%) нострификациялаш хизматларини кўрсатиш жараёнини қийин деб баҳоладилар. Шу билан бирга, уларнинг деярли 47% и хизматдан фойдаланиш мумкинлиги, лекин жараён туюлганидан ҳам мураккаброқ эканлигини қайд этган бўлсалар, қолган 29% и тест синовлари жараёни мураккаб ва тушунарсиз эканлигини таъкидладилар. Мурожаатчиларнинг атиги 24% и жараённинг соддалиги ва қулайлигини кўрсатган. Респондентлар дуч келган асосий қийинчилик – хизмат нархининг ¹² юқорилиги бўлиб чиқди (деярли 33%). Тестдан ўтиш қийинлигини респондентларнинг деярли 23% и кўрсатди. Суҳбатдошларнинг деярли 9% и ариза топширишда жараённинг тушунарсизлиги, 8,4% и коррупция ҳолатлари ва норасмий тўловларга дуч келган. Шунини таъкидлаш керакки, респондентларга нострификациялаш жараёнининг қайси босқичида коррупцияга дуч келганликлари ҳақидаги савол салбий қабул қилинган ва аксарият ҳолларда жавобсиз қолдирилган. Респондентларнинг сирлилиги кафолатланганига қарамай, коррупция билан боғлиқ муаммолар уларнинг бундай масалаларни очиқ муҳокама қилиш истагига салбий таъсир кўрсатиши мумкин эди.

Шунга қарамай, айрим респондентларнинг жавоблари, шунингдек манфаатдор органлар билан ўтказилган суҳбатлар натижаларига асосланиб шунини таъкидлаш мумкинки, коррупция ва норасмий тўловлар билан боғлиқ ҳолатлар бевосита тест синовлари босқичига оид бўлган. Сўров натижаларига кўра, талабгорларнинг 7,4% и ариза топшириш жараёнида қийинчиликка дуч келгани ва хизмат кўрсатиш муддати узоклигини

¹² 3 БҲМ (2021 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига – 810 минг сўмни ташкил қилади).

билдиришган. 2% ҳолатларда ҳужжатлар рўйхати ноаниқ шаклда тақдим этилганлигини кўрсатди. Респондентлардан бирининг айтишига, у ЯИДХП орқали ҳужжат топшираётганда ўзи олган докторлик даражаси ҳужжатини нострификациялаш тўғрисида гувоҳнома олишни мақсад қилган. Унинг сўзларига кўра, порталда ушбу хизмат олий ўқув юртидан кейинги таълимга оид ҳужжатларни ўз ичига олмаслиги ҳақидаги маълумот кўрсатилмаган. Унинг ҳужжатлар қабул қилиниб, тегишли йиғим тўланган, аммо хизмат кўрсатиш рад этилган, чунки докторлик илмий даражасини тан олиш Олий аттестация комиссияси (ОАК) зиммасига юклатилган. Айрим респондентлар тест топшириқларида номувофик саволлар бор эканлигини ҳам қайд этганлар (1,3%). Аниқланган бошқа қийинчиликлар сифатида Тошкент шаҳрига келиш зарурати ва у билан боғлиқ харажатлар кўрсатилди.



Сўров якунида респондентлардан таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш жараёнини қандай соддалаштириш мумкинлиги ҳақида фикр билдириш сўралган. Бу таклифларнинг аксарияти тест синовлари, Тошкентга келиш зарурати ва нострификациялаш тартибининг нархи билан боғлиқ бўлди.

Тест борасида эса, респондентларнинг тушунтиришича, тест синовлари давомида тизим қайси саволнинг жавоби нотўғри эканлиги кўрсатмайди, бу эса тартибнинг шаффофлигига шубҳа уйғотадаи. Улардан баъзилари тест синовидан ўтиш учун тест топшириқларини топширишда ёрдам берадиган танишбилишлар кераклигига ишончлари комил. Шунингдек, баллар етарли бўлмаган тақдирда, қўшимча тўлов эвазига уларни тўлдириш тизимини жорий этиш бўйича ҳам таклифлар билдирилди. Баъзи талабгорлар тест синовини иш берувчи ёки таълим тўғрисидаги ҳужжат топшириладиган бошқа ташкилот томонидан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўлишини таклиф қилишди. Тест синови тили ҳам муҳим жиҳат эканлиги айтилди, ҳозирда бу синовлар ўзбек ёки рус тилида ўтказилади. Баъзи респондентлар рус тилидаги тест материаллари нотўғри эканлигига ишора қилдилар. Бундан ташқари, инглиз тилида тест синовини топшириш имконияти йўқ, бу эса талабгорлар инглиз тилида ўқиган бўлса, керакли микдордаги балл тўплаш имкониятларини сезиларли даражада камайтиради.

Яна бир кенг тарқалган таклиф – Тошкентга келмасдан, яшаш жойига кўра тест синовидан ўтказиш таклифидир. Респондентлар маҳаллий университетларда тест ўтказишни ёки бошқа давлат ва хусусий муассасаларга тест ўтказишга рухсат беришни таклиф қилишди. Бундан ташқари, ҳужжатлар қайта топширилганда ва агар тест ўтказиш белгиланмаган бўлса, хизмат нархини пасайтириш ҳам таклиф этилди. Шунингдек, баъзи респондентлар, агар диплом нуфузли университет ёки бошқа таълим муассасаси томонидан берилган ва QS жаҳон университетлари рейтингига киритилган бўлса, нострификациякў тартибини бекор қилишни таклиф қилишган¹³.

¹³ Quacquarelli Symonds World University Rankings рейтинги солиштирма маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш услубларини ишлаб чиқиб, муваффақиятли тарзда жорий қилмоқда ва улар таълим муассасаларининг кучли жиҳатларини аниқлашда фойдаланилади. <https://www.qs.com/rankings/>

Олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш - энг кенг тарқалган хизмат



80% ДХМ орқали
муурожаат қилган



93% ҳужжатлар дарҳол
қабул қилинди



8% ҳужжатлар тўлиқ бўлмагани учун
қайтариб берилди



55% талабгор тан олиш
тўғрисидаги гувоҳнома
ололмади

Асосий сабаб - тест синовида етарлича балл ололмадик (71%)



Талабгорлар дуч келган асосий 3 та қийинчилик

40%

талабгорлар таълим тўғрисидаги айна
ҳужжатни тан олиш учун 1 мартадан кўп
муурожаат қилган

23% - тест
синови



76% талабгор жараёни
мураккаб деб баҳолади



33% - хизмат ҳақининг
юқорилиги



9% - ариза беришдаги
ноаниқликлар

Ўтказилган “Сирли миждоз” тадқиқоти натижалари

Тадқиқот доирасида шахсий маълумотлари сирли бўлиб қоладиган учта миждоз учта тажриба шахрида нострификациялаш тартибидан ўтказилди. Хизматдан фойдаланиш учун ариза умумий шартлар асосида топширилди, яъни, ДХМ ходимлари миждознинг тадқиқот доирасида мурожаат қилгани ҳақида хабардор қилинмаган. Бу миждозлар ҳам, ўз навбатида, нострификациялаш жараёни, хизмат кўрсатиш муддатлари ва бошқалар ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмас эдилар. Шундай қилиб, улар ДХМ / ЯИДХПга фақат ўзлари эга бўлган маълумотлар билан мурожаат қилдилар. Миждозлар нострификациялаш жараёни, хизмат кўрсатиш муддатлари ва нархи ҳақидаги барча маълумотларни тўғридан-тўғри хизматдан фойдаланиш жараёнида олишди. Ҳар учала сирли миждоз “Хорижий мамлакатда берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш учун электрон ариза бериш” хизматидан фойдаланди ва улар натижаси қуйидагича бўлди:

- 1-сонли миждознинг дипломи Ўзбекистон Республикаси таълим меъёрлари ва стандартларига мос келмаслиги сабабли у тест синовларига қўйилишга тавсия этилмади.
- 2-сонли миждоз QS рейтинги бўйича 1000 та энг яхши университетлар рўйхатига киритилган университетни тамомлаганлиги сабабли тест синовларисиз нострификация олди.
- 3-сонли миждоз тест синовига қўйилди, лекин етарли балл тўплаш олмагани сабабли унинг дипломи нострификация қилинмади.

1-сонли миждоз

Наманган шахридан -рақамли сирли миждоз МДХ давлатларидаги иккита университетини тамомлаган. Ушбу сирли миждоз Наманган шахридаги ДХМга мурожаат қилиб, “Хорижий мамлакатда берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш учун электрон ариза бериш” хизматидан фойдаланди. Бу миждоз икки йўналиш бўйича 2 та олий маълумотга эга бўлганлиги сабабли, у дастлаб **2-рақамли ОТМдаги иккинчи олий маълумоти** бўйича ҳужжат топширишга қарор қилди, ҳужжат топширилиб, 15 кун ўтгач, у қуйидаги мазмундаги рад жавобини олди: “Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан 2-сонли университетнинг рус тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича таҳсил олган фуқаронинг (1-сонли миждознинг) таълим тўғрисидаги ҳужжати биринчи навбатдаги махсус экспертизадан ўтказилди. Бу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари ва таълимнинг ушбу йўналиши бўйича ўқув режаларига мос келмаслиги

(таълимнинг ушбу йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мос келмаслик, ўқув дастуридаги фанлар ва соатлар Ўзбекистон Республикасидаги таълимнинг стандарт дастурига мувофиқ эмаслиги ва баъзи мутахассисликлар умуман ўқитилмаганлиги) сабабли салбий хулоса берилди ва ҳужжат тан олинishi тавсия этилмади”.

Салбий хулоса олингандан сўнг, 1-сонли мижоз ўзи 5 йил ўқиган йўналиши бўйича **1-университетнинг биринчи йўналиши** бўйича дипломни нострификациялашга қарор қилди. Ушбу ДХМ оператори янги ариза топшириш ва аввал тўланган йиғим квитанциясини у аризага илова қилишни маслаҳат берди, чунки у оператор аввал шундай ҳолатга дуч келганлиги, унда имтиҳонга келмаганлиги сабабли бошқа мижознинг имтиҳондан ўта олмаган ҳолатида, у кейинги аризаси учун тегишли тўловни қилмаганлигини рўқач қилди. Операторнинг бундай хатти-ҳаракати номақбулдир, чунки агар ариза берувчига салбий хулоса берилиб, тест синовларига киритилмаган бўлса, унинг тўлови, Инспекциянинг жавобидан қатъи назар, муддати ўтган ҳисобланади ва янги ариза беришда ундан фойдаланилмайди. Ушбу аризага жавоб ҳужжат топширилган кунининг ўзидаёқ келди ва қуйидаги мазмунда эди: “1-сонли мижознинг хорижий мамлакатда берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатини тан олиш тўғрисидаги аризасига илова қилинган ҳужжатларда кўрсатилган йиғимнинг тўлов квитанцияси аллақачон тизимга юкланган ва аввалги аризада қўлланилган. Шунинг учун бу ариза қабул қилинмади. Амалдаги тартибга мувофиқ белгиланган йиғимни тўлаб, янги квитанция орқали мурожаат қилишингиз мумкин”.

1-сонли мижоз билан навбатдаги суҳбат чоғида, у иккинчи марта мурожаат қилган кундан бошлаб 15 кун ўтган бўлса-да, мижозга аризасининг кўриб чиқиш ҳолати бўйича бирор хабари берилмагани, у ҳозир ҳам тест санаси тайинланганлиги ҳақидаги SMS-хабар кутаётганини маълум қилди. Шунингдек, мижозга ЯИДХП веб-сайти орқали аризага жавобни кузатиш имконияти ҳақида маълумот берилмаган. Айни вақтда 1-сонли мижоз биринчи йўналиш бўйича “Хорижий мамлакатда берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш учун электрон ариза бериш” хизматига қайта мурожаат қилишга, хизмат ҳақини (735 000 сўм ва ДХМ учун 10 600 сўм) белгиланган тартибда тўлашга ва ушбу хизматдан белгиланган меъёрий ҳужжатлар асосида фойдаланишга мажбур бўлиб қолмоқда.

Оператор. 1-сонли мижоз билан суҳбатлар чоғида у оператор ишига юқори баҳо берди, жумладан, у операторнинг хушмуомалалиги, ҳужжатларни қабул қилиш тезлиги, қўшимча саволларга жавоб беришга тайёрлигини таъкидлаб ўтди. ДХМга биринчи ташриф пайтида оператор 1-сонли мижозга нострификация тартибини тушунтирмади, иккинчи ташриф

пайтида эса ўша оператор айна хизматдан босқичма-босқич фойдаланиш жараёнини айтиб берди.

Жараён. ДХМга бирор хизмат учун мурожаат қилишдан аввал миждоз шаҳардаги энг яқин нотариусга мурожаат қилиб, хорижий дипломини ўзбек тилига таржима қилдириб, нотариал тасдиқлаган ва бу учун 2 кун кетган. Бундан ташқари, миждоз дипломининг нотариал тасдиқланган таржимаси учун 200 минг сўм пул тўлаган¹⁴. Миждоз ДХМга келганидан кейин кўп кутмаган, унинг сўзларига кўра, ундан олдин навбатда 5-6 нафар миждоз турган. 1-сонли миждозга ушбу хизматни ДХМга келмай, ЯИДХП веб-сайти орқали ҳам онлайн тарзда олиш мумкинлиги ҳақида аввал хабар берилмаган. 1-сонли миждоз фақат ДХМнинг SMS-хабарномаси ёки бевосита ДХМга ташриф буюрганидан кейин бундан хабар топган. Бундан ташқари, қўшимча тўловлар талаб қилинмаганлиги ва барча тўловлар чеклар бериш билан расмий равишда кассир орқали амалга оширилганлиги ҳам таъкидланди.

Хулоса ва тавсиялар. Ушбу ҳолат шуни кўрсатдики, 1-сонли миждоз ДХМга мурожаат қилганда, оператор:

- нострификациянинг бутун жараёнини дарҳол тушунтириб бермади;
- аризининг ҳолатини текширишнинг барча имкониятлари ҳақида гапирмади;;
- янги аризани қабул қилишда аллақачон фойдаланилган квитанцияни илова қилиш ҳақида нотўғри маслаҳат берган, шу сабабли 1-сонли миждознинг иккинчи аризасини қабул қилиш рад этилган;
- ариза топширилганидан 5 соат ўтиб жавоб келганига ва 1-сонли миждоз имтиҳон тайинланган санани кутаётганига қарамай, иккинчи аризага тегишли йиғим тўланмаганлиги сабабли ариза қабул қилинмаганлиги тўғрисидаги Инспекциянинг жавобини миждозга айтмаган.

Шунингдек, шуни таъкидлаш жоизки, 1-сонли миждозга нострификациялашш учун қайта ариза бериш кераклиги ҳақида хабар берилмаганлиги ва у аризаси қайси босқичда эканлигини билмаганлиги сабабли, у миждоз операторнинг жуда малакали эканлигинини эътироф этиб, унинг фаолиятига юқори баҳо берган.

Хизматларни кўрсатишни яхшилаш учун операторларнинг ўзлари нострификациялашнинг бутун жараёнини тушунишлари ва миждозларга тушунтира олишлари керак. Бироқ ҳар бир оператор шуғулланиши керак бўлган кўплаб хизматлар ва қоидаларни ҳисобга олган ҳолда, операторлар сўровларни қабул қиладиган тизимга тезкор функцияни қўшиш тавсия

¹⁴ Тил ва матн ҳажмига қараб, нотариал тасдиқланадиган таржима нархи 200-300 минг сўмни ташкил қилади.

этилади. Аризани қабул қилишдан олдин оператор хизмат кўрсатиш жараёни билан тезда танишиши ва мижозга тўлиқ маълумот бериши мумкин эди. Ахборотни қулай ва тушунарли форматда тақдим этиш (масалан, инфографика шаклида) ўта зарур. Худди шу функция ЯИДХП орқали мустақил равишда ариза топширган талабгор учун ҳам мавжуд бўлиши керак.

Шунингдек, мижозга ДХМга мурожаат қилмасдан ЯИДХП орқали аризининг ҳолатини ўзлари текшириш имконияти борлиги ҳақида қўшимча равишда тушунтирилиши керак.

2-сонли мижоз

Ушбу сирли мижоз Нурафшон шаҳридаги ДХМга мурожаат қилиб, “Хорижий мамлакатда берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш учун электрон ариза бериш” хизматидан фойдаланди. Бу мижоз Қозоғистонда QS рейтингида 1000 таликка кирувчи университетда таҳсил олган.

Оператор. 2-сонли мижоз ДХМда навбат йўқлиги сабабли узоқ кутишга тўғри келмаганини таъкидлади. Шунингдек, мижоз операторнинг хушмуомалалигига ўртача 5 баллдан 4 балл бериб, ижобий баҳолади ва операторларнинг малакасини аъло даражада эканлигини таъкидлади. 2-сонли мижознинг сўзларига кўра, оператор унинг барча саволларига тўғри жавоб берди. Шунингдек, у оператор ўз ишини анча тез бажарганини таъкидлади. Бундан ташқари, оператор хизматдан фойдаланиш тартибини жуда яхши тушунтириб берди. Хизматдан фойдаланиш вақтида 2-сонли мижоз ҳеч қандай ноқонуний тўловларига дуч келмади. ДХМда 735 000 сўм ва 10 600 сўмлик расмий тўловлар амалга оширилди. Умуман олганда, ДХМ оператори фаолиятида ҳеч қандай муаммо юзага келмади ва ДХМ ишига умумий баҳо ижобий бўлди.

Инспекция. ДХМ орқали керакли ҳужжатларни топширган мижоз Инспекция эксперт комиссиясининг хулосасини кутишни бошлади. 10 кун ичида мижоз тест синовларига қабул қилинганлиги ва таълим тўғрисидаги ҳужжатни нострификациялаш учун тест синовидан ўтиши кераклиги ҳақида хабар олди. Аммо амалдаги қоидаларга кўра, энг яхши 1000 та университетни тамомлаган талабгорлар тест синовидан ўтишлари шарт эмаслиги белгиланган. Кейин 2-сонли мижоз Инспекциянинг веб-сайтида кўрсатилган қуйидаги маълумотлар бўйича Инспекция билан боғланишга ҳаракат қилди: +998 71 231 07 53 (<https://www.tdi.uz/>), лекин уларга кўнғироқ қилишнинг иложи бўлмади. Кейин мижознинг ўзи Тошкентга Инспекцияга боришига тўғри келди. Борганидан сўнг мижозга у ерга киришга рухсат берилмаган ва ички рақам бўйича нострификация бўлимига кўнғироқ қилиш таклиф қилинган. 2-сонли мижоз ўз ҳолатини тушунтиргач, Инспекция ходими унга хатолик юз бергани ҳақида маълум қилиб, ундан узр сўраган. Инспекция томонидан

имтихон нотўғри тайинлангани учун 2-сонли мижоз Тошкентга келиб, хатони ўзи кўрсатишига тўғри келган. 2-сонли мижоз, шунингдек, Инспекция ходими унинг барча кўшимча саволларига ҳам жавоб берганлигини таъкидлади. Мижоз норасмий тўловларга дуч келмади. Инспекцияда навбат йўқ эди, лекин ички рақамга қўнғироқ қилишдан олдин қабулхонада кутишга тўғри келди. Шунингдек, 2-сонли мижозга унинг сертификати **2021 йил 13 сентябрдан** кейин тайёр бўлиши маълум қилинди, бу эса 1000 та энг яхши университетлар рўйхатига кирувчи таълим муассасаси дипломига эга бўлган талабгорга нострификация сертификатини олиш учун бир ойдан кўпроқ вақт кераклигини кўрсатади. Натижада, 2-сонли мижознинг ДХМга ҳеч қандай шикоят ва / ёки норозилиги бўлмади, аммо Инспекция ходимларининг хатоси туфайли мижоз хизматдан фойдаланиш пайтида салбий тажриба ва ноқулайликларга дуч келди.

Хулоса ва тавсиялар. Ушбу ҳолат қуйидагилардан дарак беради:

- оператор хизмат ҳақида малакали ва билимли бўлган, профессионал ҳаракат қилган;
- мижоз Инспекциянинг жавобини узоқ вақт кутишига тўғри келди;
- Инспекция мижозга тестдан ўтиш зарурлиги тўғрисида нотўғри маълумот берган;
- Инспекция томонидан тақдим этилган боғланиш маълумотлари самарали эмас;
- ахборот олишнинг муқобил усуллари мавжуд эмас;
- тест синовидан ўтиш зарурати йўқлигига қарамай, хизмат кўрсатишнинг белгиланган муддатларига риоя қилинмаган.
- ариза берувчилар ва Инспекция ўртасидаги алоқа тизимини қайта кўриб чиқиш керак.
- талабгорларга маълумот бериш учун колл-марказ ва онлайн хизматларни ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш керак.

Шунингдек, ОТМ рейтингини текшириш тизимини қайта кўриб чиқиш ва талабгорларга ўзлари ўз университетлари рейтингини текширишлари мумкин бўлган шароитларни яратиш зарур.

3-сонли мижоз

Ушбу сирли мижоз Наманган шаҳридаги ДХМга мурожаат қилиб, “Хорижий мамлакатда берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш учун электрон ариза бериш” хизматидан фойдаланди.

3-сонли сирли мижоз Нукус шаҳридаги ДХМ операторларининг хушмуомалалиги ва малакасини жуда юқори баҳолади ва 5 балллик тизимдан 5 балл берди. Шунингдек, мижоз оператор барча саволларга жавоб берганлигини ва нострификациялашнинг бутун

жараёнини ва ушбу давлат хизматидан фойдаланишнинг кейинги босқичларини жуда яхши тушунтирганини таъкидлади. Хужжатларни топширишнинг бутун жараёни бир соатдан кўпроқ вақтни олди: мижоз бир ёшли чақалоқ билан бўлгани сабабли навбатда турмади. Бундан ташқари, оператор ариза берувчига SMS-хабар беришдан ташқари, мижознинг ўзи ЯИДХП веб-сайти орқали аризанинг ҳолатини билиб олиши мумкинлигини айтди. SMS-хабар йўқлиги сабабли, 3-сонли мижоз ЯИДХП веб-сайти орқали имтиҳон санаси 2021 йил 10 сентябрь эканлиги ҳақида билиб олди. Шунингдек, мижоз ариза топшириш жараёнида қонун ҳужжатларида белгиланган 735 000 сўмликийғимва 10 600 сўмлик ДХМ пулли хизмат учун тўловни тўлаб, коррупция ҳолатларига дуч келмаган.

Жараён. 10 сентябрь куни 3-сонли мижоз Давлат инспекцияси биносида синовдан ўтказилди. Мижоз етарли балл тўплай олмади ва бу унинг дипломини Ўзбекистонда нострификациялашдани рад этишга сабаб бўлди. Ушбу сирли мижоз томонидан Давлат инспекциясининг веб-сайтида ҳар бир йўналиш бўйича тест синовлари намуналарини жойлаштириш таклиф қилинди, чунки бу талабгорларга тестга яхшироқ тайёргарлик кўриш ва тестнинг тузилишини тушунишга ёрдам беради.

Хулоса ва тавсиялар. Натижалар шуни кўрсатадики:

- ДХМ оператори малакали ва аризанинг ҳолатини ўзи кузатиш усуллари бўйича долзарб маълумотларни тақдим эта олди;
- бу ҳолда, мижознинг ўзи аризанинг ҳолатини кузатиши мумкин эди, аммо у SMS-хабар олмаган; қоида тариқасида, мижозларнинг ариза ҳолатини мониторинг қилиш усуллари ҳақида хабардор эмаслиги ДХМга ташрифлар сонининг яна кўпайишига олиб келади.
- Давлат инспекциясининг расмий веб-сайтида барча йўналишлар бўйича ҳамма учун мавжуд бўлган тест топшириқлари намуналарини юклаб қўйиш таклиф қилинмоқда.

Тажриба шаҳарларидаги ишчи гуруҳлар билан ўтказилган суҳбатлар натижалари *ДХА марказий аппарати*

ДХА марказий аппарати таълим ҳужжатларини тан олиш бўйича хизматлар кўрсатиш жараёнида бевосита иштирок этмайди. Бироқ, ДХА марказий аппарати мавжуд хизмат кўрсатиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ¹⁵, хизматлар кўрсатиш

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида” 2019 йил 24 июлдаги 620-сонли қарори билан тасдиқланган <https://lex.uz/docs/4441213>

жараёнларини ўрнатишда ва уларни тизимли қайта кўриб чиқишда иштирок этади. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарорига мувофиқ ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисидаги ҳужжатни нострификациялаш хизмати нархи 2 БҲМгача пасайтирилди¹⁶. Ўзгартириш 2021 йил июнь ойида киритилган, аммо ҳали расман кучга кирмаган.

ДХА марказий аппарати вакилларининг тушунтиришича, олий таълим ҳақидаги ҳужжатни нострификациялаш хизматининг амалдаги регламентини қайта кўриб чиқиш талабгор ва масъул орган ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг юқори даражада бўлиши, бундан келиб чиққан ҳолда, коррупция ва норасмий тўловлар хавфи юқорилиги сабабли ҳам зарурдир. Ҳужжатларни топширгандан сўнг, Инспекция томонидан тест синовлари куни белгиланади ва ўтказилади. Мижоз билан ўзаро муносабатларнинг айнан шу босқичида коррупция схемалари пайдо бўлади. Агар талабгор тест натижаларидан норози бўлса, натижалар бўйича апелляция Инспекция томонидан ҳам кўриб чиқилади, бу шубҳасиз манфаатлар тўқнашувидир. Бундан ташқари, қайта тест синови топширишда ариза берувчи тўловнинг бир қисмини қайта тўлайди. Шундай қилиб, амалдаги тартибга солишнинг баъзи жиҳатлари ариза берувчининг тест синовидан ўтиши қийин бўлган шартларни белгилайди. Тошкентга келган ва таълим тўғрисидаги ҳужжатини тан олишни истаган ариза берувчи (талабгор) ночор аҳволга тушиб қолади. Инспекциянинг нострификациялаш масаласи бўйича ягона ташкилот бўлиши эса аризачининг ўз ишининг муқобил натижасига эришиш имкониятларини минималлаштиради ва бу ўз навбатида коррупцион схемаларнинг ривожланишига ҳисса қўшади.

Бундан ташқари, нострификациялаш фикридан қайтган тақдирда, ариза берувчига пул маблағларини қайтариш бўйича ҳуқуқий асослар билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Талабгор таълим тўғрисидаги ҳужжатнинг тан олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун тўлиқ тўловни ҳужжатлар Инспекцияга топширилгунга қадар тўлайди. Агар у тест синовидан олдин шаклнинг номувофиқлиги, ўқиш давомийлиги фарқланиши ва бошқа сабабларга кўра нострификациялаш фикридан қайтса, ариза берувчи тўланган сумманинг бир қисмини қайтариб ололмайди.

ДХА марказий аппарати вакиллари ариза берувчиларнинг тест синовларини хусусий секторга ўтказишни мутлақо мақсадга мувофиқ деб топмадилар, бироқ улар ДХАнинг функцияларини хусусий секторга беришни таклиф қилдилар. Хусусий компаниялар ариза

¹⁶ <https://lex.uz/docs/5443524>

берувчилардан ҳужжатларни қабул қилишлари, аризаларни тўлдиришлари ва масъул идораларга топширишлари мумкин¹⁷. Бунинг учун улар алоҳида курсда қатнашишлари ва ДХА тизимига кириш учун сертификат олиш учун тест синовидан ўтишлари керак. Шу тарзда, хусусий сектор ёки жисмоний шахслар давлат нострификациялаш хизматларини кўрсатишда агент сифатида ҳаракат қилишлари мумкин.

Марказий аппарат вакиллари тест синовларини ихтисослаштирилган олий ўқув юртларига ўтказиш таклифини қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистонда асосий ёки асосий бўлмаган йўналишлар бўйича ариза берувчилар учун тест синовларини ўтказиши мумкин бўлган ОТМлар рўйхатини белгилашни таклиф қилди. Бундан ташқари, учинчи томон аралашуви эҳтимолини минимал даражага тушириш учун тест синовларини ўтказишнинг ички тизимини техник жиҳатдан мураккаблаштириш таклифи киритилди. Имтиҳон пайтида нотўғри жавобларни дарҳол кўрсатиш, тест натижаларини очиқ ва ошқора қилиш таклиф этилади. Талабгорлар тест синовларида дуч келиши мумкин бўлган саволлар билан танишишлари учун Инспекция веб-сайтида аввалги тест материаллари эълон қилиниши зарур.

Умумий таълим тўғрисидаги дипломни нострификациялаш хизмати тўғрисидаги амалдаги тартибга борасида фақат битта қийинчилик бор, у ҳам бўлса, нострификациялаш тартиби учун жуда қисқа муддат берилганидир. Марказий аппарат ходимларининг таъкидлашича, масъул ташкилотлар мурожаат этувчининг ҳужжатларини тегишли тарзда текширишга улгура олишмаяпти, чунки улар олти иш куни ичида жавоб беришлари шарт.

ДХАнинг ҳудудий бошқармалари

Таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш жараёнида ДХАнинг ҳудудий бошқармалари ариза топширишдан то тан олинганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришгача бўлган фаолият бўйича фронт-офис ва бэк-офислар устидан назорат функциясини амалга оширади. ДХА хизматлар кўрсатиш жараёнини белгиланган муддатларга мувофиқлигини кузатиши мумкин. Яъни, бэк-офислар улар томонидан берилган аризага белгиланган муддатларда жавоб бермаса, ДХАнинг ҳудудий бўлимлари сабабларни аниқлаш учун бевосита уларга мурожаат қилади. ДХА, шунингдек, асосиз рад этиш сабабларини, хизмат

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат хизматларини кўрсатишда агентлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 19 апрелдаги 221-сонли қарори <https://lex.uz/docs/5380668>

кўрсатишни кечиктириш сабабларини ва ҳоказоларни ҳам текширади. Баъзи ҳолларда маъмурий ундирув жараёни бошланиши мумкин.

Бундан ташқари, агар ДХА ходимлари томонидан хатолик юз берган бўлса, ДХА тегишли чора кўради. Мурожаатни рўйхатдан ўтказиш жараёнида тизимга керакли ҳужжатлар рўйхатини кўрсатувчи эслатма киритилган ва ДХМ операторлари ариза берувчининг ҳужжатларини унга кўра текшириши шарт. Шундай қилиб, агар ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганлиги сабабли ариза рад этиладиган бўлса, унда хато ДХА ходимининг айби билан содир бўлган. Операторларнинг иши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, ҳужжатларнинг ўзида ҳам хатолар бўлиши мумкин. Рад этишнинг яна бир кенг тарқалган сабаби – бу тест синовларида олинган балларнинг етарли эмаслигидир.

ДХА ҳудудий бошқармалари вакилларининг таъкидлашича, нострификациялаш учун аризаларнинг аксарияти олий таълим билан боғлиқлигини таъкидламоқда. Масалан, Нурафшон шаҳридаги ДХА ҳудудий бошқармаси вакиллари умумий ўрта ва ўрта махсус таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялашга умуман дуч келишмаган. Бинобарин, ДХА вилоят бошқармаси раҳбарларидан бири инсон омили ва жараёнга аралашиб, таъсир ўтказиш эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда, барча бэк-офислар томонидан коррупция ҳолатларининг юқори даражада тарқалишини таъкидлади. Хусусан, Инспекция билан ишлаш жараёнида коррупциядан ташқари, хизмат кўрсатиш муддатларида ҳам номувофиқликлар мавжуд. Нострификациялаш тартибига мувофиқ, бу хизматни кўрсатишнинг умумий муддати 15 кунни ташкил этади, аслида эса бу жараён 2 ойча давом этади. Бундан ташқари, иш бўйича баъзи масалалар юзасидан Инспекция билан боғланишда қийинчиликлар мавжуд.

Бундан ташқари, ДХА вакиллари жойларда тест синовини ўтказиш имконияти йўқлиги ва хизматнинг нархи қимматлигини таъкидладилар. Ҳозирда жараёнда иштирок этмаётган Инспекциянинг ҳудудий бўлимларига тест синовларини ўтказиш ваколатини бериш таклиф қилинмоқда. Яна бир таклиф сифатида тест синовларини хусусий сектор ёки ихтисослаштирилган олий ўқув юртларига ўтказиш илгари сурилмоқда, бу эса пировардида аҳолининг хизматдан фойдаланиш харажатларини камайтиради. Яна бир муҳим жиҳат – бу хизмат нархи бўлиб, бу аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами учун қимматлик қилади. Нострификациялаш мажбурий тартиб бўлганлиги сабабли, барча зарур

харажатларни тўлашга қурби етмайдиган одамлар ё норасмий ишлайди ва ижтимоий суғуртадан маҳрум бўлади ёки умуман ишламайди.

Вилоят халқ таълими бошқармалари

Вилоят халқ таълими бошқармалари умумий таълимни нострификациялаш жараёнига масъулдирлар. Шу тарзда, агар ўқувчи хорижда 9 ёки 11-синфларни тамомлаган бўлса ва у Ўзбекистонга келиб, ҳужжатини нострификацияламоқчи бўлса, у ўз тумани, вилояти ёки шаҳридаги ДХМга мурожаат қилиши керак. Мурожаат жараёнида, тегишли тартибга кўра, у талабгор ариза билан бирга ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган таржимаси ва паспорт тақдим этиши керак. Сўнгра, ДХМ маълумотлар базасига у ариза берувчи маълумотларини киритади. Шундан сўнг шу куннинг ўзида вилоят бошқармалари аризани қабул қилади. Бундан ташқари, комиссия 3 иш куни ичида ҳужжатларни кўриб чиқади. Комиссия 9-11-синфларда ўтказиб юборилган муваффақиятсиз тест синовлари бор-йўқлиги, фанлар сони ва дарслар сони мактабларда ўқитиш стандартларимизга мос келадими ёки йўқми, деган саволларга эътибор қаратади.

Вилоят халқ таълими бошқармасидаги (Наманган) комиссияси таркибида қуйидаги мутахассислар фаолият юритади: бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари (комиссия раиси), мониторинг бўлими бошлиғи, услубий бўлим бошлиғи, ўқув бўлими бошлиғи, умумий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, касаба уюшмаси раиси. Комиссиянинг асосий аъзоларидан бири услубий бўлим мутахассиси ҳисобланади, чунки бу бўлим тақдим этилаётган таълим ҳужжатининг Ўзбекистон таълим нормалари ва стандартларига мувофиқлигини текширишда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, вилоят халқ таълими бошқармаси вакили комиссия таркиби бир марта тасдиқланиши ва комиссия аъзолари эгаллаб турган лавозимидан озод этилган ёки бошқа лавозимга ўтказилган тақдирда янгиланиши мумкинлигини таъкидлади. Комиссия таркиби ҳудудий бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланаётганлиги сабабли комиссияни йиғиш қийин иш эмас. Нострификациялаш тартибида комиссиянинг таркиби белгиланмаган, ҳудудий халқ таълими бошқармаси комиссия аъзоларини мустақил равишда қабул қилади.

Бундан ташқари, ҳудудий халқ таълими бошқармаси вакилининг сўзларига кўра, , ҳозирда экстернал ўқув дастури мавжуд¹⁸. Бу имкониятдан чет эл мактабларида ўқиган ва Ўзбекистонга келган, соғлиғи, оилавий шароити каби бир қатор сабабларга кўра ўқишни

¹⁸ <https://www.lex.uz/docs/2643130>

тўхтатишга мажбур бўлган ўқувчилар фойдаланиши мумкин. Шунингдек, унда давлат таълим стандарти бўйича 9 ёки 11-синфлар ҳамда тегишли ўқув йилида 16 (ва ундан юқори) ва 18 (ва ундан юқори) ёшга тўлган, умумий ўрта таълим дастурларини мустақил равишда ўзлаштирган фуқаролар иштирок этиши мумкин. Экстернат тизими нострификациялаш жараёнидан имтиҳон топшириш орқали умумий таълим дипломини олиш имконияти билан бироз фарқ қилади.

Нострификациялаш жараёнининг ўзига келсак, агар ҳужжат Ўзбекистон Республикаси таълим стандартларига (ўтилган соатлар ёки фанлар сони бўйича) мос келмаса, ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳолатда ёки таржимаси нотариал тасдиқланган ҳужжат бўлмаса, бундай ҳужжатни нострификациялаш рад этилади, бунда ўқувчининг давомати ва баҳолари умумий таълим ҳужжатини нострификациялашни рад этиш учун сабаб бўла олмайди.

Умуман олганда, бундай ҳужжатларни нострификациялашни рад этиш ҳолатлари жуда кам учрайди, чунки мқилоятларда умумий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш учун аризалар кам. Масалан, Наманганда 2020 йилдан бошлаб бор-йўғи 3 та ариза рад этилган. Биринчи рад этиш зарур ҳужжатлар такдим этилмагани учун бўлган, қолган иккитаси хатолик туфайли олий ўқув юртига эмас, балки ўрта таълим бўлимига юборилган. Бундай ҳолларда вилоят халқ таълими бошқармаси ходимлари хато ким тарафдан йўл қўйилганини текшира олмайди, чунки улар талабгор билан тўғридан-тўғри муомала қилмайдилар ва маълумотлар базасида талабгорларнинг исм-шарифи кўрсатилмайди, бундан ташқари, ариза ДХМ ёки ЯИДХП орқали қабул қилинганлигини билишнинг ҳам имкони йўқ. Масалан, амалиётда яна бир рад этиш ҳолати юз берган бўлиб, унда 9-синфни тугатмаган ўқувчидан ариза келиб тушган. У тизимга аттестат ўрнига баҳолар табелини юклаган. Бундай ҳолларда ҳудудий халқ таълими бошқармаси ходимлари аризани рад этишга мажбур бўладилар, чунки бу белгиланган қоидаларга зиддир.

Шунингдек, ҳудудий халқ таълими бошқармаси ходими томонидан МДХ давлатлари билан ўхшаш ўқув режаси ва фанларига эга ҳужжатларни нострификациялашни бекор қилиш таклиф этилди. Қолаверса, нострификациялаш учун қандай ҳужжатлар топширилиши ва нострификациялаш зарурати туғилса, қаерга мурожаат қилиш кераклиги ҳақида ҳамма талабгорларнинг ҳам хабари йўқ, бу эса аҳолининг хабардорлиги ва ҳукуқий саводхонлигини ошириш заруратидан далолат беради. ДХМ ходимлари томонидан ҳужжатлар тўпламини янада синчковлик билан кўриб чиқиш яна бир таклиф сифатида

берилди, чунки нострификациялашни рад этишнинг асосий сабабларидан бири айрим хужжатларнинг этишмаслигидир. Шу сабаб, агар аризани қабул қилишда ДХМ оператори топширилаётган хужжатлар тўпламини диққат билан кўриб чикса, рад этишлар сони камаяди ва ариза берувчи битта хизмат учун бир неча марта мурожаат қилиши шарт бўлмайди. Халқ таълими худудий бошқармаси ходимларининг яна бир таклифи сифатида, ДХМ операторлари учун олий, ўрта ва умумий таълим дипломини нострификациялаш жараёни, шунингдек, қандай хужжатларни қабул қилиш ва умумий маълумотлар базасига киритиш зарурлиги бўйича ўқув семинарларини ўтказишни қайд айтиш мумкин.

Умумий таълим хужжатини нострификациялашда, хизматни кўрсатиш муддати 6 иш кунини ташкил этади, бу тақдим этилган хужжатларнинг ҳақиқийлигини текшириш учун жуда қисқа муддатдир. Бунда, агар чет элда олинган мактаб гувоҳномасининг ҳақиқийлигини текшириш зарур бўлса, бу жараёнга ўртача бир ой вақт кетади, аммо ходимлар, қоидаларга кўра, 6 иш куни ичида хизмат кўрсатиши кераклиги сабабли, текшириш учун вақтлари етмайди¹⁹. Шу тарзда, мактаб аттестатини нострификациялаш пайтида ўтилган академик соатлар ва ўрганилган фанлар сонининг мувофиқлиги текширилади холос.

Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси

Ўрта махсус, ўрта касб-хунар, олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тўғрисидаги хужжатларни хорижий давлатларда тан олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади. Умумий ўрта ва ўрта таълим тўғрисидаги хужжатларни тан олиш – Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан амалга оширилиб, ўз навбатида, барча статистик маълумотлар ҳар чоракда Давлат инспекциясига юборилади; бунда Халқ таълими вазирлиги ушбу хизматни кўрсатишда бевосита иштирок этмайди.

2018 йил 1 июндан бошлаб жисмоний шахсларга ушбу давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат

¹⁹Таълим тўғрисидаги хужжатларга мажбурий апостил қўйиш бўйича янги талабнинг жорий этилиши муносабати билан ушбу таклиф энди ўз долзарблигини йўқотди.

хизматлари портали орқали кўрсатила бошланди. Ҳозирда хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида” 2019 йил 24 июлдаги 620-сон қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга оширилмоқда.

Низомга кўра, Давлат инспекцияси тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини текширишга мажбур эмас, бироқ амалда Инспекция мутахассислари расмий сўровлар юбориш ёки очик маълумотлар базалари (масалан, Россия Федерациясидаги (<http://obrnadzor.gov.ru/>) ва Еввропадаги ENIC-NARIC) орқали барча мурожаат этувчиларнинг ҳужжатларини ҳақиқийлигини текширишга ҳаракат қиладилар. Бу маълумотлар базаларида асосан охириги 10 йилдаги маълумотлар кўрсатилади ва шу сабабли, агар маълумотлар базаларида диплом топилмаса, Инспекция мутахассислари почта орқали расмий ёзма сўров юборишлари керак бўлади ва бу жараён ўртача 1 ой давом этади. Ушбу сўров ҳужжатлар эксперт комиссияси томонидан текширилгандан сўнг юборилади ва ариза берувчига тест синови белгиланиб, у олинаётган пайтда Инспекция ҳужжатнинг ҳақиқийлиги тўғрисида жавоб олади. Мутахассислар хорижда олинган дипломнинг Ўзбекистон Республикаси таълим стандартларига қай даражада жавоб беришини, шунингдек, университетнинг аккредитациядан ўтганлиги ва ўқиш шакли амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини текширади.

Эксперт комиссиясининг таркиби **ҳар йили** вазирликларнинг тавсия этилган ваколатли/масъул вакиллари таклиф қилиш йўли билан тузилади, бунда Инспекция ушбу вазирликлардан эксперт комиссиясига номзодларни юборишни сўрайди. Булар асосан олий ўқув юртлири ёки ўрта махсус ёки ўрта касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари ёки профессор-ўқитувчиларидир. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги экспертлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги, юриспруденция ва ҳуқуқ соҳасидаги экспертлар эса, Адлия вазирлиги тавсиясига кўра танланади. Низомга кўра, комиссия таркибига 5 та: ҳуқуқ, соғлиқни сақлаш, иқтисод, муҳандислик, педагогика йўналишлари бўйича мутахассислар киритилиши ва мутахассислар сони 5 нафардан 21 нафаргача бўлиши мумкин. Ариза берувчининг Комиссия экспертлари билан суҳбати бекор қилинганлиги муносабати билан комиссиянинг вазибалари биров қисқартирилди. Ҳозирда комиссиянинг асосий вазибаси ариза берувчининг ўзи билан кўришмай, унинг тақдим этган ҳужжатларини баҳолашдан иборат. Бундан ташқари, нострификациялаш жараёни бўйича комиссия иши тўлиқ

рақамлаштирилган. Талабгорларнинг ҳужжатлари фаолият соҳалари ва мутахассислигидан келиб чиққан ҳолда Эксперт комиссияси аъзоларининг электрон манзилларига юборилади. Комиссия аъзоси 10 кун муддатда ҳужжатлар тўпламини кўриб чиқади ва Комиссия раиси билан келишилганидан сўнг имзо қўйилган ёзма хулоса берилади. Шунингдек, мутахассислар ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини текширишни сўрашлари мумкин.

Ҳар бир мутахассислик бўйича тест материаллари Назорат материаллари банкани шакллантириш ва тест синовларини ташкил этиш бўлими томонидан тайёрланади. Мазкур бўлим ходимлари олий ўқув юртларининг етакчи мутахассислари ва тегишли соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда, меҳнат шартномаси асосида Инспекция биносида махфий тарзда тест саволлари тайёрлайди. Кейин бошқа мутахассислар тайёрланган тест саволларининг тўғрилигини текширади ва экспертизадан ўтказди. Шу тарзда, нотўғри тузилган саволлар ўчирилади ва мос келадиган саволлар умумий маълумотлар базасига киритилади. Ҳар бир мутахассислик бўйича тест саволларининг алоҳида маълумотлар базалари шакллантирилган. Шунингдек, Ўзбекистонда ўқитилмайдиган айрим йўналишлар ва/ёки мутахассисликлар (масалан, нанотехнология ва авиация) бўйича билим даражасини текшириш ва тест саволлари тузиш бўйича мутахассислар мавжуд бўлмаганда Инспекция кийинчиликларга дуч келмоқда. Бундай ҳолларда Инспекция ходимлари тегишли соҳа мутахассисларини ёки чет эллик экспертларни жалб қилишлари керак бўлади.

Агар талабгор тестдан синовларидан сўнг натижалардан норози бўлса, у апелляция сўраб ариза ёзиши мумкин. Бундай ҳолатлар жуда кам учрайди, масалан, жорий 2021 йилда 4 та шундай ҳолат қайд этилган бўлиб, уларда комиссия томонидан талабгор мурожаати кўриб чиқилиб, уларга балл қўшиб берилган. Таълим тўғрисидаги ҳужжатларни легализация қилиш, тан олиш ва нострификациялаш бўлими бошлиғининг таъкидлашича, тест синовлари мураккаблиги юзасидан шикоятлар асосан виждонан ўқимаган, коррупцион схемалар орқали диплом олган талабгорлардан келиб тушмоқда.

Синовлар одатда қуйидаги тартибда ўтказилади: тест синовлари ойнинг охириги ҳафтасида 5 йўналишда ўтказилади ва ҳар бир йўналиш учун 1 кун ажратилади. Шундай қилиб, 5 йўналишдаги барча тест синовлари 5 кун ичида яқунланади. Агар талабгор белгиланган вақтда тест синовларига кела олмаган бўлса, низомга кўра, у ариза берган кундан бошлаб 6 ой мобайнида тест синовларидан ўтиш ҳуқуқига эга ва бундай талабгорлар имтиҳонга келгунига қадар 6 ой ичида автоматик равишда келаси ойдаги тест синовлари рўйхатига киритилади.

Шунингдек, Таълим тўғрисидаги ҳужжатларни легализация қилиш, тан олиш ва нострификациялаш бўлими бошлиғи билан суҳбат чоғида суҳбатдошлар нима учун кўшимча саволлар туғилганда Инспекцияга қўнғироқ қилиш имкони йўқлигидан шикоят қилишлари ҳақида сўралганда, у қўнғироқларга зарурат йўқлиги, чунки барча маълумотлар расмий веб-сайтда эълон қилинганини таъкидлади.

Талабгорларнинг Тошкент шаҳрига тест синовларидан ўтиш учун келиш зарурлиги ҳақидаги навбатдаги энг кўп мурожаатига у бўлим бошлиғи барча зарур моддий-техника базалари билан жиҳозланган ўз бинолари йўқлиги сабабли, ҳозирда ҳудудий бошқармаларда тест синовларини ўтказиш имкони йўқлигини айтди. Аммо 2021 йилдан бошлаб инспекция тасарруфида қиоятларда тест синовларини ўтказишга ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилади. Ушбу мақсадлар учун Жаҳон банки лойиҳаси доирасида 400 дан ортиқ компьютер харид қилинди.

ДХМ

Пилот ҳудудларидаги ДХМ раҳбарлари олий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш хизматида талаб анча юқори эканлигини, бироқ умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш учун аризалар жуда кам қабул топширилаётганини таъкидлади. Бу маҳаллий олий ўқув юртларига киришнинг қийинлиги ва таълимнинг қимматлиги билан боғлиқ. Шу боис, кишилар чет элда олий маълумот олишга қизиқиш билдиришмоқда, чунки хорижда ОТМуларга кириш осонроқ бўлади. Ариза берувчи давлат аккредитациясидан ўтмаган хусусий университетда олий маълумот олган бўлса ва ўқитиш шартлари ва усуллари Болония битимида мос келмаса, у талабгорнинг ҳужжатларини нострификация қилишда муаммолар келиб чиқиши мумкин. Бинобарин, мазкур университет томонидан берилган диплом Ўзбекистон ҳудудида тан олинмайди. Бундай ҳолда, тўланган тўлов қайтарилмайди ва шу сабаб кўплаб шикоятлар келиб тушади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, аҳоли хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш талаблари ҳақида етарлича маълумотга эга эмас.

Бундан ташқари, ДХМ ходимлари талабгорга диплом берган университет QS жаҳон университетлари рейтингига киритилганми ёки йўқлигини айта олмайди, гарчи бу омил нострификациялаш жараёни муддати ва умуман унинг мураккаблигига сезиларли таъсир қилади ёки талабгорнинг дипломи тест синовларидан ўтишни талаб қилмайдиган бошқа

талабларга жавоб бериш йўқлиги савол остида қолади. Шундай қилиб, талабгорлар ариза беришда уларни қандай жараён кутаётганини тушунмайдилар. Гарчи бу ҳолатда тартиб жуда соддалаштирилган бўлса-да, ариза берувчи бу хизмат учун тест синовидан ўтиши керак бўлган талабгорлар билан бир хил пул тўлайди.

Бошқача қилиб айтганда, таълим тўғрисидаги ҳужжатни берган таълим муассасасининг обрўси ва нуфузи нострификациялаш нархини пасайтиришда муҳим роль ўйнамайди, фақат жараёни биров қисқартиради холос. Худди шу нарса тестга кирмай нострификациялашнинг бошқа шартларига ҳам тегишли бўлиб, улар аслида талабгорлар учун сезиларли устунлик яратмайди. Шунини таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда фуқароларнинг олий маълумот билан қамраб олиниш даражаси пастлиги, малакали кадрлар етишмаслиги ва ёшлар ўртасида ишсизликнинг юқори даражада эканлигини ҳисобга олсак, ушбу шарт мамлакатда меҳнат ва касбий фаолиятни давом эттириш имкониятларини сезиларли даражада пасайтиради; бу эса мақсадга мувофиқ эмас.

Дипломлари таълим тўғрисидаги ҳужжатнинг тан олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома олиш шартларига мос келмаган талабгорларга тест синовлари тайинланади. Тест синовлари Тошкент шаҳрида ўтказилади ва тўпланган аризалар сонига қараб, ҳар ойда бир марта ўтказилади. Талабгорларга тест синовларининг режалаштирилган санаси ва вақти ҳақида, одатда ариза топширилгандан 15 иш куни кейин хабар берилади. Бироқ талабгорларни ким аниқ хабардор қилиши тўлиқ аниқ эмас. Масалан, Нукус ва Наманган шаҳарларида ДХМ талабгорни унга тайинланган тест санаси ҳақида маълум қилади ва Тошкент шаҳрида тест синовларига йўлланма беради. Нурафшон шаҳрида талабгорлар тест синовлари тайинланган санани Инспекцияга қўнғироқ қилиш орқали ўзлари билиб оладилар. Шу сабабли талабгорлардан Инспекцияга қўнғироқ қилиб, тест синовлари ўтказиладиган санани аниқлаб бўлмаётгани ёхуд талабгорга хабар бермасдан тест синовлари ўтказиш санаси ўзгартирилаётгани ҳақидаги шикоятлар келиб тушади.

Хизматни тўлиқ кўрсатиш муддати амалда камида 2-3 ойни ташкил қилади. Ҳужжатлар электрон шаклда эмас, балки почта орқали юборилганлиги сабабли талабгорга диплом берган таълим муассасасига сўров юбориш анча вақт талаб этади. Агар бу тартиб электрон бўлса, ДХМ ходимлари инспекция иштирокисиз ўзлари сўров юборишлари мумкин бўлар эди.

Хизматни кўрсатишда ДХМ Инспекциянинг марказий аппарати билан ҳамкорлик қилади. ДХМ томонидан Инспекция билан доимий боғланиш мумкин бўлган шахснинг йўқлиги ва ташкилотлар ўртасида алоқа йўқлиги сабабли ишлашда қийинчиликлар юзага келади. Аслида, Инспекция муайян ариза бўйича ДХМ операторлари билан боғланиш имкониятига эга, ДХМ операторлари эса Инспекция билан маълумот алмашишда қийинчиликларга дуч келмоқда. Бундан ташқари, талабгорнинг ҳужжатларини Инспекцияга жўнатгандан сўнг ДХМ ходимлари кейинги жараённи кузата олмайди, фақат ариза кўриб чиқиладигани ҳақидаги маълумотни кўради холос. Шундай экан, агар хизматни кўрсатиш муддати кечикаётган бўлса, ДХМ операторлари аризанинг ҳолатини билмоқчи бўлганларида ҳам, ариза берувчиларга жўяли бир маълумот бера олмайди.

Шунингдек, хизмат нархи ва тартиб билан боғлиқ бошқа харажатлар ҳақида шикоятлар мавжуд. Хизматнинг ўз нархига (810 минг сўм²⁰) қўшимча равишда, талабгорлар ўзбек тилига нотариал тасдиқланган таржима (ҳужжатнинг тилига қараб, 200-300 минг сўмгача ўзгариб туради) ва ариза топшириш учун хизмат ҳақи (14-15 минг сўм) тўлайдилар. Жами харажатлар, тест синовдан ўтгунга қадар хизмат нархи 1 миллион сўмдан ортиқни ташкил қилади. Агар талабгорга Тошкент шаҳрида тест синовдан ўтиш белгиланган бўлса, бу миқдор Тошкент шаҳрига бориб келиш ва у ерда яшаш харажатлари ҳисобига сезиларли даражада ошади. Бу, айниқса, мамлакатимизнинг чекка вилоятларидан келган талабгорларга оғирлик қилиб кетади. Масалан, нуқуслик талабгорлар томонидан Тошкентга келиш зарурлиги ҳақида кўплаб шикоятлар келиб тушмоқда. ДХМ раҳбарлари хизмат нархидан хабар топган аталабгорлар бу хизматдан фойдаланишдан бош тортган ҳолатларни ҳам қайд этдилар. Шунга асосланиб, хизмат нархини пасайтириш тавсия этилади. Шу кунга қадар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами учун имтиёзлар мавжуд эмас.

Хизматлар кўрсатиш тартиб-қоидаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар

1-таклиф:

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари ва Европа иқтисодий ҳудуди мамлакатларида, шунингдек, Марказий ва Шарқий Европанинг барча алоқадор мамлакатларидаги ягона тармокни ташкил этувчи ENIC-NARIC ахборот марказларини таъсис қилиш учун Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисидаги конвенцияга (Лиссабон конвенцияси) қўшилиши.

²⁰ 3 БҲМ, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб 1 БҲМ = 270 минг сўм этиб белгиланган.

Мамлакатимиз Лиссабон конвенциясига қўшилган ва у ратификация қилинган пайдан бошлаб Конвенция миллий қонунчилик билан бир қаторда хизматлар кўрсатишнинг ҳуқуқий асосини ташкил қилади. Миллий қонунчилик мавжуд бўлмаган тақдирда, таълим ҳужжатларини тан олиш ва нострификациялаш бўйича хизматлар кўрсатадиган ягона ташкилот – NARIC ахборот марказлари фаолият юритади, масалан, қўшни Қозоғистонда, Франция ва Буюк Британияда ана шу усулдан қўлланилади.

Марказ мутахассислари талабнома берувчининг ҳужжатларини Лиссабон конвенциясида белгиланган танлаш ва баҳолаш мезонлари асосида ўрганади. Зарурат туғилганда, улар маълумот алмашиш учун хорижий ваколатли хизматлар ва ENIC-NARIC тармоғининг бошқа марказлари билан боғланади ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун таълим ҳужжатини берган мамлакатнинг маъмурий органларига мурожаат қилади. Натижада, ариза берувчи таққослаш сертификатини олади, аммо ишга қабул қилиш, қўшимча таълим олиш бўйича яқуний қарор ёки иш берувчи, таълим муассасаси ёки ариза берувчи таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этган ташкилотга юклатилади.

Ушбу таклифнинг афзаллиги – томонлардан тартиб ва мезонларнинг очиклиги, изчиллиги ва ишончлилигини таъминлаш, шунингдек, ҳар бир томоннинг таълим тизими тўғрисида етарли ва аниқ маълумот беришни талаб қилувчи халқаро мажбуриятлар мавжудлиги ҳисобланади. Конвенция доирасида, ҳар бир томон бошқа томонлар тарафидан ўзининг олий таълим тизимини ташкил этувчи дастурларда ушбу томонларда олий таълим дастурларидаги умумий талабларга жавоб берадиган малакаларни, агар умумий фойдаланиш имкониятлари ўртасида жиддий фарқлар кўрсатилмаса, малака олинган томонда ва ушбу малакани тан олиш сўралаётган Томондаги талабларни тан олади. Ҳар бир томон ўзининг олий таълим тизимини ташкил этувчи ҳар қандай таълим муассасаси ва ушбу муассасалар томонидан амалга оширилаётган ҳар қандай дастур тўғрисида бошқа томонларнинг расмий органларига ушбу муассасалар томонидан берилган малакаларнинг сифати эътироф этилишига тан олиниши талаб қилинадиган мамлакатда асос бўладими ёки йўқлигини аниқлаш имконини бериш учун тегишли маълумотларни тақдим этади.

Томонлардан бирининг бошқа томонда берилган олий маълумот малакасини тан олиши қуйидаги ҳолатларга сабаб бўлиши мумкин:

- олий таълим тизимида кейинги таълимни давом эттириш, шу жумладан, тан олиниши талаб қилинаётган томоннинг малакаси эгаларига нисбатан

қўлланиладиган шартларга ўхшаш шароитларда илмий даража олишга етакловчи тегишли имтиҳонлар ва/ёки таълим дастурлари бўйича таълим олиш;

- илмий даражадан тан олиниши талаб қилинадиган томон қонунлари ва қоидаларига мувофиқ ёки унинг юрисдикцияси остида фойдаланиш;
- нострификациялаш тартиби тан олиниши талаб қилинаётган томон ёки юрисдикция қонунлари ва қоидаларига мувофиқ меҳнат бозорига киришни осонлаштириши мумкин.
- Конвенцияни амалга ошириш ва уни амалга оширишга кўмаклашиш Европа минтақасида олий таълимда малакаларни тан олиш бўйича конвенция кўмитаси ва Академик эътироф этиш ва ҳаракатчанлик бўйича Миллий ахборот марказларининг Европа тармоғи (ENIC) юрисдикциясида ҳисобланади.

Ушбу таклиф қабул қилингандан кейин Конвенцияга мувофиқ ташкил этилган ENIC-NARIC ахборот марказлари олий таълим ҳужжатларини нострификациялаш хизматининг асосий ва ягона бэк-офиси сифатида фаолият юритиши мумкин.

2-таклиф:

Мажбурий тест синовларини ўтказиш тартибини бекор қилиш ва талабгорнинг ҳужжатлари юборилган ташкилот ва муассасаларга устав ва ташкилотнинг ўзи талаблари доирасида тест синовлари ёки қўшимча ўқитиш зарурлигини мустақил равишда аниқлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларига кўра, тест синовлари бу хизматдан фойдаланишдаги қийинчиликларга сабаб бўладиган энг кенг тарқалган жиҳатлардан биридир. Халқаро тажрибани ўрганиш жараёнида, илғор мамлакатлар таълим ҳужжатларини тан олиш жараёнини соддалаштириш учун барча саъй-ҳаракатларини амалга ошираётганини кўриш мумкин. Шунингдек, Ўзбекистонда малакали кадрларга бўлган ўта юқори эҳтиёж ва аҳолини олий маълумот билан қамраб олиш даражаси пастлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Шу боис малакали фуқароларни Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда иштирок этишга жалб қилиш учун хорижда олинган таълим ҳужжатларини кўриб чиқиш жараёнини имкон қадар соддалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Олинган натижалар ва илғор мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб,²¹ олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг тан олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун тест

21 Шу каби тартиб Буюк Британия, Франция, Германия, Австралия ва Европанинг бошқа мамлакатларидаги ENIC-NARIC ахборот марказлари томонидан амалга оширилади. Тартибнинг мақсади талабгорнинг билим ва малакасини текшириш эмас, балки эквивалентликни ўрнатиш учун мамлакатлар ўртасида олинган ўқув дастурлари ва малакаларини солиштиришдир. Агар эквивалентликни аниқлашнинг иложи бўлмаса, талабгорга одатда давлат таълим муассасасида талаб қилинадиган фанлар, соатлар ёки модуллар сони кўрсатилган ҳолда ўқишни яқунлаш тавсия этилади.

синовларини ўтказишни бекор қилиш тавсия этилади. Мазкур таклиф билан боғлиқ ҳолда амалдаги меъёрий ҳужжатларга қуйидаги ўзгартиришлар киритилади.

| Амалдаги 620-сонли ВМҚ | 620-сонли ВМҚни янгилаш |
|-------------------------------------|--------------------------------|
| 4-боб, 27-банд, 4-хатбоши | Олиб ташланади |
| 6-боб. Тест синовларини ташкил этиш | Олиб ташланади |

Эксперт комиссиялари, аввалгидек, талабгор ҳужжатларининг Ўзбекистондаги таълим стандартларига мувофиқлигини текширади, бунинг учун комиссия бошқа мамлакат таълим муассасасининг таълим дастури ва муддати, таълим натижалари, берилган касбий ҳуқуқлар ва малакаларни Ўзбекистондаги таълим муассасасининг таълим дастури ва муддати, таълим натижалари, берилган касбий ҳуқуқлар ва малакалар шунга ўхшаш курси якунида тақдим этиладиган касбий ҳуқуқлар ва малакалар билан солиштириш йўли билан текширади. Эксперт комиссиялари мувофиқлик тўғрисида хулоса тайёрлайди, унинг асосида Инспекция раҳбарлари ариза берувчига тан олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномани тайёрлайди ва тақдим қилади. Агар эксперт комиссияси ҳужжатнинг номувофиқлиги тўғрисида хулоса чиқарса, раҳбарлар рад этиш тўғрисида билдиришнома тайёрлайдилар. Шундай қилиб, ушбу таклифнинг қабул қилиниши натижасида, тест синовларини ҳисобга олмасак, Инспекциянинг ваколати ўзгармайди. Бунинг натижасида, хизмат нархи, хизмат кўрсатишнинг ҳақиқий муддати ва умуман мураккаблиги, шунингдек, ариза берувчининг бу хизматдан фойдаланиш учун харажати камаяди.

Ариза берувчи, аввалгидек, ҳужжатларни ДХМ/ЯИДХПга тақдим этади ва бу муассасалар ўз навбатида, уни Инспекцияга жўнатади. Бироқ ҳеч қандай ҳолатда талабгор тест синовидан ўтказилмайди ва Тошкентга келиши ҳам шарт эмас. Тест синовини бекор қилиш ҳисобига хизмат нархини пасайтириш тавсия этилади ва хизмат кўрсатишнинг ҳақиқий муддати амалдаги қоидаларда (15 иш куни) кўрсатилган муддатга тўғри келади. Шундай қилиб, бир вақтнинг ўзида бир нечта асосий чалкашликлар, хусусан, тест синови, хизмат нархи, харажатлар ва муддатлардаги мавжуд муаммолар ҳал қилинади.

3-таклиф

Тест синовидан ўтиши шарт бўлмаган ва агар ҳужжатида апостиль қўйилган бўлса, бундай талабгорларнинг ҳужжатлари автоматик равишда тан олинади, яъни бунда ҳужжатлар нострификация тартибидан ўтказилмайди.

Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, айрим ҳолларда олий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни нострификациялаш тест синовларисиз амалга оширилади (1-боб, 7-банд):

- ариза берувчининг таълим олганлик тўғрисидаги барча ҳужжатлари хорижий давлатда берилган бўлса;
- ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алоҳида бўлинмалари (филиаллари) ва қўшма таълим муассасалари фаолият юритаётган хорижий таълим муассасаларида таълим олган бўлса;
- ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан рўйхати ҳар йили тасдиқланадиган халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, Academic Ranking of World Universities) рейтингда олий таълим муассасалари орасида биринчи 1 000 ўринни эгаллаган хорижий олий таълим муассасаларида таълим олган бўлса;
- ариза берувчи тизимида олий таълим муассасалари бўлган Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг йўлланмалари асосида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун хорижий давлатлар томонидан ажратилган квоталар (грантлар) ҳисобидан таълим олган бўлса;
- талабгор 1992 йил 1 январгача хорижий таълим муассасаларига ўқишга кирган бўлса;
- ариза берувчи Олий таълимда сифатни кафолатлаш Европа ассоциациясининг (European Association for Quality Assurance in Higher Education) тўлақонли аъзолари – ваколатли ташкилотлар томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган бўлса, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;
- ариза берувчи Америка Қўшма Штатлари, Австралия Иттифоқи, Исроил Давлати, Канада, Сингапур Республикаси, Корея Республикаси, Япония давлатларининг ушбу давлатлар ваколатли ташкилотлари томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган бўлса, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;
- хорижий олий таълим муассасаларида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;

- Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар.

Бирок бу хизмат кўрсатиш муддатларини сезиларли даражада қисқартирмайди. Бундан ташқари, талабгорлар давлат божини тўлиқ тўлайдилар. Бу омилни талабгор учун муҳим устуворликка айлантириш зарур. Малакали мутахассислар, жумладан, жаҳоннинг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олган мутахассисларнинг мамлакатимизга қайтиши ва ўз касбий фаолиятини бемалол давом эттириши учун бу жараёни осонлаштириш Ўзбекистон манфаатларидан келиб чиқади. Шу сабабли, амалдаги қоидаларни қайта ишлаб чиқиш орқали бундай талабгорлар учун ушбу тартибни иложи борича соддалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, 2021 йил 3 июндан бошлаб ²² барча ариза берувчилар таълим тўғрисидаги ҳужжатларни берган давлатнинг ваколатли органи томонидан апостиль қўйилган ҳужжатларни тақдим этадилар. Шундай қилиб, юқорида санаб ўтилган талаблардан бирига / бир нечтасига жавоб берадиган талабгорлар учун фақат ташкилот ёки муассасага апостиль қўйилган таълим тўғрисидаги ҳужжатини тақдим этиш кифоя бўлади. Бунда, иш берувчи ёки таълим муассасаси ўз хоҳишига кўра ҳужжатнинг таржимасини талаб қилиши мумкин. 2-таклиф қабул қилиниши натижасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш тартибида куйидаги ўзгаришлар кузатилади.

| Амалдаги 620-сонли ВМҚ | 620-сонли ВМҚни янгилаш |
|---|---|
| 4-банд, 4-хатбоши | |
| Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлари тўғридан-тўғри (махсус синовларсиз) тан олинмайдиган таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин. | Олиб ташланади |
| 1-боб, 7-банд, 1-хатбоши | |
| Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш куйидаги ҳолларда тўғридан-тўғри (синовларсиз) амалга оширилади: | Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш, <u>апостиль мавжуд бўлган тақдирда</u> куйидаги ҳолларда <u>тўғридан-тўғри</u> амалга оширилади:: |

²² <https://lex.uz/docs/5443524?ONDATE=04.06.2021%2000#5447689>

| | |
|---|---|
| 12-хатбошини қўшиш | Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган талабларнинг бир ёки бир нечтасига тўғри келса, ҳамда апостиль мавжуд бўлган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний кучга эга бўлади. |
| 13-хатбошини қўшиш | Давлат ва нодавлат ташкилот ва муассасалар, талабгорларнинг автоматик равишда тан олинган таълим ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида, таълим тўғрисидаги ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган таржимасини талаб қилишга ҳақли. |
| 5-боб, 36-банд, 9-хатбоши | |
| тўғридан-тўғри (синовларсиз) тан олинган хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган талабларга тўғри келмаса. | Олиб ташланади |

Агар:



ариза берувчининг таълим олганлик тўғрисидаги барча ҳужжатлари хорижий давлатда берилган бўлса;



талабгор 1992 йил 1 январгача хорижий таълим муассасаларига ўқишга кирган бўлса;



ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алоҳида филиаллари ва қўшма таълим муассасалари фаолият юритаётган хорижий таълим муассасаларида таълим олган бўлса;



ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан рўйхати ҳар йили тасдиқланадиган халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, Academic Ranking of World Universities) рейтингдаги олий таълим муассасаларида таълим олган бўлса;



ариза берувчи тизимида олий таълим муассасалари бўлган Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг йўлланмалари асосида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун хорижий давлатлар томонидан ажратилган квоталар (грантлар) ҳисобидан таълим олган бўлса;



ариза берувчи Олий таълимда сифатни кафолатлаш Европа ассоциациясининг (European Association for Quality Assurance in Higher Education) тўлақонли аъзолари - ваколатли ташкилотлар томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган бўлса, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;



ариза берувчи Америка Қўшма Штатлари, Австралия Иттифоқи, Исроил Давлати, Канада, Сингапур Республикаси, Корея Республикаси, Япония давлатларининг ушбу давлатлар ваколатли ташкилотлари томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган бўлса, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;



хорижий олий таълим муассасаларида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;



Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар.

Нострификация тартибидан ўтказилиши талаб этилмайди



4-таклиф

Олий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби учун тўланадиган хизмат ҳақини камайтириш

Гарчи Европа давлатлари билан солиштирганда, Ўзбекистонда таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича хизматлар нархи анча паст бўлсада, бунда мамлакат аҳолисининг харид қобилияти ва даромад даражасини ҳам ҳисобга олиш зарур. Ўрганиш натижаларига кўра, Ўзбекистон аҳолиси учун бу хизмат нархи юқори, аҳолининг айрим қатлами учун эса бу мутлақо қурби етмайдиган даражада қиммат. Бундан ташқари, хизматларнинг нархи бутун республика бўйлаб ҳудудларнинг турли даражадаги ривожланиш даражасини ва аҳоли даромадларининг турличалигини ҳисобга олмаган ҳолда белгиланган.

Умуман олганда, хизматнинг юқори нархига қўшимча равишда, хизмат нархи нострификациялаш жараёни доирасида қайд этилади. Бошқача қилиб айтганда, тест синовидан ўтаётган талабгорлар ва тест синовига қўйилмаган талабгорлар бир хил миқдорда хизмат ҳақи тўлайдилар, гарчи иккинчи ҳолатда Инспекция нуқтаи назаридан қараганда, бэк-офиснинг харажатлари тест ўтказилмаётгани учун сезиларли даражада паст бўлиши зарур. Шунини эслатиб ўтиш муҳимки, 2021 йил 3 июндан бошлаб ²³ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш тартибининг нархи 2 БРВга туширилди. Юқорида берилган 1-таклифга мувофиқ, тест синовлари бекор қилинганлиги муносабати билан олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби нархини 2 БРВга камайтириш тавсия этилади.

Айни пайтда шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, талабгорлар хизмат нархидан ташқари нотариал тасдиқланган таржима учун ҳам, Тошкент шаҳрида тест синовларидан ўтган тақдирда йўл ва яшаш харажатларини қилишга ҳам мажбур бўладилар. Амалдаги таклиф талабгорларнинг, шунингдек, Инспекциянинг харажатларини ҳам сезиларли даражада камайтиради.

| Амалдаги 620-сонли ВМҚ | 620-сонли ВМҚни янгилаш |
|---|--|
| 1-боб, 6-банд, 3-хатбоши | |
| олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими бўйича – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари; | олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими бўйича – <u>базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари;</u> |

²³ <https://lex.uz/docs/5443524?ONDATE=04.06.2021%2000#5447689>


Умумий тавсиялар

1. ДХМ операторлари ва мижозларга ўз аризалари кўриб чиқишнинг қайси босқичида эканлигини кузатиш имкониятини яратиш. Бугунги кунга келиб, ДХМ операторлари талабгорнинг аризаси Давлат инспекциясига топширилгандан кейин қайси босқичда эканлигини кузата олмайди ва шу сабабли талабгорга бу ҳақда хабар бера олмайди. ДХМ операторлари учун ушбу маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, шунингдек, талабгорларга ЯИДХП орқали жараёни ўзлари кузатиш имконини бериш таклиф этилади.
2. Иккита давлат хизматини кўрсатиш бўйича тренинглار ташкил этиш ва ўтказиш орқали ДХМ операторларининг хабардорлигини таъминлаш.
3. ЯИДХПдаги иккита давлат хизмати саҳифасида, шунингдек, операторлар тизимида давлат хизматларини кўрсатиш жараёни, талаб қилинадиган ҳужжатлар ва муддатларни тушунтирувчи инфографикали маслаҳатлар жойлаштириш. Бироқ ҳар бир оператор шуғулланиши керак бўлган кўплаб хизматлар ва қоидаларни ҳисобга олган ҳолда, операторлар сўровларни қабул қиладиган тизимга тезкор функцияни кўшиш тавсия этилади. Аризани қабул қилишдан олдин оператор хизмат кўрсатиш жараёни билан тезда танишиши ва мижозга тўлиқ маълумот бериши мумкин эди. Ахборотни қулай ва тушунарли форматда тақдим этиш (масалан, инфографика шаклида) ўта зарур. Худди шу функция ЯИДХП орқали мустақил равишда ариза топширган талабгор учун ҳам мавжуд бўлиши керак. Маълумотлар икки тилда (ўзбек ва рус), кирилл ва лотин алифболарида бўлиши зарур.
4. Олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатлари ўз-ўзидан тан олинмиш мезонларига жавоб берадиган талабгорлар тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш ҳамда мижозлар билан дастлабки маслаҳатлашувлар учун ДХМ операторларига тизимга кириш ҳуқуқини таъминлаш. Талабгор тан олиш тартибидан ўтиш зарурлигига ишонч ҳосил қилмаслиги мумкин бўлган вазиятлар юзага келиши мумкин. Бундай ҳолатларда, ДХМ оператори маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда талабгорнинг дипломи автоматик тарзда тан олинмиши ёки йўқлигини аниқлаши мумкин бўлади. Ушбу имконият интерактив шаклда ЯИДХП орқали ҳам тақдим этилиши керак. Масалан, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш тўғрисида ариза беришда талабгордан автоматик тан олиш

мезонларига мувофиқлигини текшириш учун бир нечта саволларга жавоб бериш сўралади.

5. Агар хизмат ўз вақтида бажарилмаса, мижозга индамай туриш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

1-илова. 620-сонли ВМҚГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА, ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДАГИ ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ХИЗМАТИНИНГ ЯНГИЛАНГАН ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ СХЕМАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ
**ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ТАЪЛИМ ОЛГАНЛИК ТЎҒРИСИДАГИ
ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАН ОЛИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4119-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби ҳақидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

Олдинги тахрирга қаранг.

хорижий давлатларда ўрта махсус, касб-ҳунар (профессионал), олий, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тўғрисидаги аризалар фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилинади;

(2-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори тахририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тўғрисидаги аризалар 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилинади.

Олдинги тахрирга қаранг.

Бунда 2022 йил 1 январдан кейин олинган хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар тан олиш учун топширилганда, ҳужжатни берган давлатнинг ваколатли органи томонидан аподиль қўйилган бўлиши талаб этилади.

(2-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарорига асосан хатбоши билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда уч ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталига уланишини таъминлаш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган электрон шаклдаги ҳужжатларнинг намунавий шакллари ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда давлат хизматлари марказларининг ходимлари учун хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга қаратилган ўқув-амалий семинарлар ўтказилишини таъминласин;

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ўз ҳудудий бўлинмаларининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталига уланиши ҳамда самарали фаолият кўрсатиши устидан назорат ўрнатсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекция манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи У.Н. Ташкенбаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 июль,
620-сон

**Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби ҳақида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

Олдинги тахрирга қаранг.

1. Ушбу Низом хорижий давлатларда умумий ўрта, ўрта, ўрта махсус, касб-хунар (профессионал), олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги 1992 йил 1 январдан сўнг берилган ҳужжатларни тан олиш тартибини белгилайди.

(1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори тахририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат — хорижий давлатларнинг миллий қонунчилиги асосида берилган таълим олганликни тасдиқловчи расмий ҳужжат;

хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш — хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат эгасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим олиш ва (ёки) касбий фаолият юритиш учун рухсат бериш мақсадида ваколатли давлат органлари томонидан хорижий давлатларда олинган таълим малакасини мувофиқлигини расман тасдиқлаш.

3. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш Ўзбекистон Республикасидаги ваколатли давлат органларига хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақида мурожаат этган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, улар вояга етмаган бўлса ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг (кейинги ўринларда талабгорлар деб аталади) мурожаатларига мувофиқ амалга оширилади.

4. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича:

умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш — Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб аталади) томонидан;

Олдинги тахрирга қаранг.

ўрта махсус, касб-хунар (профессионал), олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Давлат инспекцияси деб аталади) томонидан амалга оширилади.

(4-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори тахририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

5. Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бепул амалга оширилади.

Олдинги тахрирга қаранг.

6. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича давлат хизматини кўрсатганлик учун қуйидаги миқдорда йиғим ундирилади:

(6-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори тахририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

Олдинги тахрирга қаранг.

ўрта махсус ва касб-хунар (профессионал) таълими бўйича — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари;

олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими бўйича — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари;

(6-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарорига асосан иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилган — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилинганда йиғим давлат хизматини кўрсатганлик учун белгиланган йиғимнинг 90% и миқдорида ундирилади.

Ундирилган йиғим қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) давлат хизматлари марказларига талабгорларнинг ўзлари келиб мурожаат қилганда ундирилган йиғимнинг:

20% и — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисоб рақамига;

40% и — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига;

қолган қисми — Давлат инспекциясининг ҳисоб рақамига;

б) Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилинганда ундирилган йиғимнинг:

10% и — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисоб рақамига;

Олдинги тахрирга қаранг.

11,25% и — «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУКнинг ваколатли банкдаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилади;

50,625% и — Давлат инспекциясининг ҳисоб рақамига ўтказилади;

(6-банд «б» кичик бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 январдаги 24-сонли қарори тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2020 й., 09/20/24/0053-сон)

қолган қисми — Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилади.

7. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш **апостиль мавжуд бўлган тақдирда** қуйидаги ҳолларда тўғридан-тўғри амалга оширилади:

хорижий давлатларда умумий ўрта, ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва малака ошириш таълими олган талабгорларнинг хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлари;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алоҳида бўлинмалари (филиаллари) ва қўшма таълим муассасалари фаолият юритаётган хорижий таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан рўйхати ҳар йили тасдиқланадиган халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, Academic Ranking of World Universities) рейтингда олий таълим муассасалари орасида биринчи 1 000 ўринни эгаллаган хорижий олий таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;

тизимда олий таълим муассасалари бўлган Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг йўлланмалари асосида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун хорижий давлатлар томонидан ажратилган квоталар (грантлар) ҳисобидан таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;

1992 йил 1 январгача хорижий таълим муассасаларига ўқишга кирган талабгорларнинг ҳужжатлари;

Олий таълимда сифатни кафолатлаш Европа ассоциациясининг (European Association for Quality Assurance in Higher Education) тўлақонли аъзолари — ваколатли

ташкilotлар томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;

Америка Қўшма Штатлари, Австралия Иттифоқи, Исроил Давлати, Канада, Сингапур Республикаси, Корея Республикаси, Япония давлатларининг ушбу давлатлар ваколатли ташкilotлари томонидан аккредитация қилинган таълим муассасаларида таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган йўналишлар, мутахассисликлар ва касблар бундан мустасно;

хорижий олий таълим муассасаларида мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига таълим олган талабгорларнинг ҳужжатлари;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган талабларнинг бир ёки бир нечасига тўғри келса, ҳамда апостиль мавжуд бўлган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний кучга эга бўлади.

Давлат ва нодавлат ташкilot ва муассасалар, талабгорларнинг автоматик равишда тан олинган таълим ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида, таълим тўғрисидаги ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган таржимасини талаб қилишга ҳақли.

2-боб. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун қабул қилиш

8. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун талабгорлар томонидан бевосита давлат хизматлари марказлари орқали ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтган ҳолда мурожаат қилинади.

Давлат хизматлари марказларига мурожаат қилинганда талабгор номидан давлат хизматлари маркази ходими, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилинганда эса талабгорнинг ўзи мустақил равишда хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақидаги сўровномани (кейинги ўринларда сўровнома деб аталади) тўлдиради.

9. Давлат хизматлари маркази ходими ёки талабгор томонидан сўровномада талабгорнинг электрон манзили қайд этилиши хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича ҳудудий бошқармалар ёки Давлат инспекциясининг қабул қилган қарори ҳақида электрон шаклда маълумот олишга бўлган розилиги ҳисобланади.

10. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун сўровномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

Олдинги тахрирга қаранг.

хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат ва унга илованинг сканер қилиниб, pdf форматда сақланган нусхаси;

(10-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори тахририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

Олдинги тахрирга қаранг.

хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат ва унга илованинг Ўзбекистон Республикаси давлат тилига таржима қилинган нотариал тасдиқланган ҳамда сканер қилиниб, pdf форматда сақланган нусхаси.

(10-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори тахририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

Давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат қилинганда талабгорнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат, хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат ва унга илованинг асл нусхаси Ўзбекистон Республикаси давлат тилига таржима қилинган нотариал тасдиқланган нусхаси билан бирга давлат хизматлари маркази ходимига тақдим этилади.

Ҳужжатлар қабул қилингандан кейин талабгорнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат, хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат ва унга илова асл нусхасининг нотариал тасдиқланган таржимаси билан бирга талабгорга қайтарилади.

Талабгорлардан ушбу бандда кўрсатилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

11. Сўровнома давлат хизматлари марказида ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали зарур маълумотлар киритилгандан сўнг талабгорнинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Давлат хизматлари марказларига келиб мурожаат қилган талабгорнинг сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

12. Нотўғри ёки қалбаки маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланган ҳар қандай босқичда хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш жараёни тўхтатилади, топширилган ҳужжатлар ва тўланган йиғим қайтарилмайди.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг ҳақиқий эканлигига шубҳа туғилган тақдирда, Давлат инспекцияси томонидан Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтларда жойлаштирилган маълумотлар текширилиши ёки ҳужжатга оид маълумот тақдим этиш ҳақида ҳужжатни берган таълим муассасаси ва бошқа ташкилотларга сўровномалар юборилиши мумкин.

(12-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

Қалбаки ҳужжат аниқланган тақдирда, мазкур ҳужжатлар ҳудудий бошқармалар ёки Давлат инспекцияси томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ чора кўриш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилади.

13. Қуйидаги ҳолатларда давлат хизматлари кўрсатилиши рад этилиши мумкин: талабгорлар томонидан сўровноманинг электрон рақамли имзо ёки имзони идентификация қилишнинг бошқа воситалари билан тасдиқланмаганлиги;

талабгорлар томонидан нотўғри ёки қалбаки маълумотлар тақдим этилгани маълум бўлиб қолганлиги;

сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмаганлиги;

хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш бўйича давлат хизмати кўрсатганлик учун белгиланган йиғимнинг тўланмаганлиги (хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш бундан мустасно).

Давлат хизматлари кўрсатишни мазкур бандда кўрсатилган асослардан бошқа ҳолатлар бўйича рад этишга йўл қўйилмайди.

14. Талабгор давлат хизматидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортишга ҳақли.

Талабгор давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг мурожаати кўрилмасдан қолдирилади ва тўланган йиғим қайтарилмайди.

Талабгорга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар (талабгорнинг вафот этиши, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолиши ва талабгорга боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар туфайли давлат хизматидан фойдаланиш зарурати мавжуд эмаслиги) сабабли давлат хизматидан

фойдаланилмаган тақдирда, тўланган йиғим талабгорга ёки унинг қонуний вакилига, қонуний вакили бўлмаган ҳолларда ҳуқуқий ворисига қайтарилади.

15. Давлат инспекциясига маълумотлар:

давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат қилинганда сўровнома қабул қилинган вақтдан бошлаб ўн дақиқа ичида;

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қилинганда дарҳол юборилади.

16. Тўлиқ тақдим этилмаган ҳужжатлар ҳудудий бошқармалар ёки Давлат инспекцияси томонидан кўриб чиқилмайди ҳамда ҳужжатлар топширилган пайтдан бошлаб бир иш кунида сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар тегишлилиги бўйича давлат хизматлари марказига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали камчиликлари кўрсатилган ҳолда талабгорга қайтариб юборилади.

3-боб. Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш

17. Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун ҳудудий бошқармаларда 3 — 5 кишидан иборат бўлган хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларни ўрганиш бўйича комиссиялар (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар комиссиялари деб аталади) ташкил этилади.

Ҳудудий бошқармалар комиссиялари таркиби ва уларнинг иш тартиби ҳудудий бошқармалар раҳбарлари томонидан тасдиқланадиган регламентга мувофиқ белгиланади.

18. Ҳужжатлар давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали келиб тушган пайтдан бошлаб ҳудудий бошқармалар томонидан бир иш куни мобайнида сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг тўлиқлиги текширилади. Ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда бир иш кунидан кечикмай ҳудудий бошқармалар комиссияларига юборилади.

19. Ҳудудий бошқармалар комиссиялари томонидан уч иш кунида ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, хорижий давлатдаги умумий ўрта таълим муддати 9 йилдан кам бўлмаса ҳамда ўрта таълим муддати 11 йилдан кам бўлмаса, хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақида хулоса тайёрланади.

Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар тегишли равишда Ўзбекистон Республикасидаги умумий ўрта ёки ўрта таълим тўғрисидаги ҳужжатларга тенглаштирилган ҳолда тан олинади.

20. Ҳудудий бошқармалар комиссияларининг хулосаларига кўра ҳудудий бошқармалар раҳбарлари томонидан бир иш кунида хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақида буйруқ чиқарилади.

Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақидаги буйруқ асосида ҳудудий бошқармалар томонидан ушбу Низомга **2-иловага** мувофиқ шаклда маълумотнома тайёрланади.

21. Маълумотнома ҳудудий бошқарма масъул ходими томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, тегишлилигига кўра давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгорга юборилади.

Маълумотнома қабул қилинган пайтдан бошлаб бир соат ичида давлат хизматлари маркази томонидан талабгорга бу ҳақида хабарнома юборилади.

Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат маълумотнома билан биргаликда тақдим этилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний кучга эга бўлади.

22. Ҳудудий бошқармалар комиссиялари бутун йил давомида фаолият кўрсатади ва ўз фаолияти ҳақида ҳар чорақда Давлат инспекциясига ҳисобот беради.

Олдинги тахрирга қаранг.

4-боб. Хорижий давлатларда ўрта махсус, касб-хунар (профессионал), олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш

(4-бобнинг номи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

23. Хорижий давлатларда ўрта махсус, касб-хунар (профессионал), олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни (кейинги ўринларда хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатлар деб аталади) тан олиш учун Давлат инспекциясида хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатларни ўрганиш бўйича эксперт комиссиялари (кейинги ўринларда эксперт комиссиялари деб аталади) ташкил этилади.

(23-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

Ҳужжатлар давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали келиб тушган пайтдан бошлаб Давлат инспекцияси томонидан бир иш куни мобайнида сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг тўлиқлиги текширилади. Ҳужжатлар тўлиқ бўлган тақдирда бир иш кунидан кечикмай эксперт комиссияларига юборилади.

24. Эксперт комиссиялари Давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғи билан тегишли таълим соҳалари бўйича 5 — 21 кишидан иборат таркибда ташкил этилади. Эксперт комиссиялари таркибига Давлат инспекцияси ходимлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар тизимидаги ташкилотлар ва муассасаларнинг етакчи олимлари ва мутахассислари киритилади.

Эксперт комиссиялари раислари комиссия аъзолари орасидан оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан сайланади.

Эксперт комиссияларининг таркиби ва уларнинг иш тартиби Давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган регламентга мувофиқ белгиланади.

25. Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатлар эксперт комиссиялари раислари томонидан комиссия аъзолари ўртасида индивидуал тарзда кўриб чиқиш ва хулоса бериш учун тақсимланади. Эксперт комиссиялари аъзолари томонидан ҳар бир хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжат бўйича алоҳида хулоса берилади.

Эксперт комиссиялари аъзолари ўзлари берган хулосаларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатни экспертиза қилиш жараёнида эксперт комиссияси аъзосида ҳужжат юзасидан тушунмовчилик ва иккиланиш ҳолатлари келиб чиқса, ушбу ҳужжат комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан коллегиял тарзда ўрганилиб, яқуний хулоса чиқарилади.

Эксперт комиссиялари аъзолари томонидан берилган хулосалар эксперт комиссияси котиби томонидан умумлаштирилади ҳамда эксперт комиссияси раиси ва хулоса берган комиссия аъзоси томонидан имзоланган ҳолда Давлат инспекциясига тақдим этилади.

26. Эксперт комиссияларининг хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олишни рад этиш ҳақидаги хулосаси тўғрисидаги хабарнома бир иш куни ичида Давлат инспекциясининг масъул ходими томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланиб, тегишлилиги бўйича давлат хизматлари марказига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгорга юборилади.

27. Қуйидагилар эксперт комиссияларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Давлат инспекциясидан хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни мувофиқлигини текшириш учун қабул қилиб олиш;

хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишга қўйилган талаблар асосида талабгорлар томонидан топширилган хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни мувофиқлигини текшириш;

хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг мувофиқлигини текшириш асосида тегишли хулоса тайёрлаш;

хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатлар мувофиқлигини текшириш яқунлари бўйича тайёрланган хулосани эксперт комиссиясига тақдим этиш.

Олдинги таҳрирга қаранг.

28. Мувофиқликни текшириш давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари, ўқув дастурлари, таълим муассасаларининг ўзлари жойлашган давлатларда тан олинганлиги ҳақидаги ҳужжат ёки маълумот, хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатлар ва уларга иловалар нусхалари асосида амалга оширилади.

(28-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

29. Мувофиқликни текшириш қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади:

ўқитилган таълим дастурлари ёки ўқув режалари ҳажми ва мазмуни;

ўзлаштирилган мутахассислик (ихтисослик) фанлари ҳажми (фанларнинг номи ва соатлар миқдори);

амалиётнинг мавжудлиги ва унинг давомийлиги.

Олинган билимлар ва малака яқуний тайёргарлик нуқтаи назаридан таълим дастурлари, ўқув режалари ва ўзлаштирилган билимлар мажмуидаги фарқларни ҳисобга олган ҳолда баҳоланади.

30. Давлат инспекцияси томонидан эксперт комиссияларининг сўровига кўра хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган таълим муассасасининг ўша давлатда тан олинганлиги, хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжат ушбу ҳужжатда кўрсатилган таълим муассасаси томонидан берилганлиги текширилиши, зарур ҳолларда тегишли таълим муассасаси, маҳаллий ва хорижий ташкилотлардан аниқлаштирувчи ҳужжатлар сўраб олинishi мумкин.

31. Талабгорлар ўз тайёргарлиги ҳақидаги бошқа ҳужжатларни, жумладан, таълим олишнинг кейинги даражалари, касбий фаолият билан шуғулланиш мумкинлиги, амалий тажриба ҳақидаги ҳужжатларни ҳам Ўзбекистон Республикаси давлат тилига нотариал тасдиқланган таржималари билан бирга тақдим этишга ҳақлидирлар.

32. Эксперт комиссиялари хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича ҳужжатларни кўпи билан ўн иш кун ичида кўриб чиқади ва хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишга қўйиладиган талабларга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса тайёрлайди.

33. Эксперт комиссиялари аъзоларига ҳамда эксперт комиссиялари фаолиятига жалб этиладиган мутахассисларга Давлат инспекцияси билан тузиладиган фуқаролик-хуқуқий шартномалар асосида ҳар битта хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжат экспертизаси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бешдан бир қисми миқдорида ҳақ тўланади.

5-боб. Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишга қўйиладиган талаблар

34. Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақида ижобий хулоса бериш учун қуйидагилар асос ҳисобланади:

хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатни берган таълим муассасаси ва ушбу муассаса томонидан берилган ҳужжатнинг ўша давлат томонидан тан олинган бўлиши;

хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжат беришга асос бўлган таълим стандартларининг ёки таълим дастурларининг Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган давлат таълим стандартлари ва таълим дастурларига мувофиқлиги;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий таълим тўғрисида ҳужжатни берган давлатнинг таълим тизимига қўйилган умумий талабларнинг мослиги.

35. Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларда қўрсатиб ўтилган тайёргарлик соҳаси Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва курсларга мувофиқ келмаса ёки ўқитиш ҳамда тайёрлаш Ўзбекистон Республикасида олиб борилмайдиган таълим йўналишлари, мутахассисликлар ва соҳаларда амалга оширилган бўлса, ушбу ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш учун Давлат инспекцияси томонидан таълим соҳаси энг яқин бўлган эксперт комиссиялари фаолиятига қўшимча мутахассислар жалб этилиши мумкин.

36. Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш қуйидаги ҳолларда рад этилади:

а) хорижий давлатларда касбий маълумот тўғрисида ҳужжат берадиган таълимнинг умумий меъёрий даври (тўлиқ умумий ўрта ёки ўрта маълумот олингандан кейин) Ўзбекистон Республикаси таълим стандартларида назарда тутилган даврдан икки йилдан кам бўлса;

б) хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжат берилган давлатда унинг эгасига Ўзбекистон Республикасида қараганда таълим олиш ва (ёки) касбий фаолият билан шуғулланиш учун кам ҳуқуқлар берилган бўлса (ҳужжат эгаси таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттириш, касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлмаса);

в) маълумот Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилмаган таълим шаклида олинган бўлса;

г) олий таълим босқичларида:

бакалавриат бўйича ўқиш муддати уч йилдан кам бўлса ёки Европа таълим тизими асосида ўқиш давомида 240 дан кам кредит тўплаган бўлса;

магистратура бўйича ўқиш муддати бир йилдан кам бўлса;

бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари қўшиб ўқитиладиган таълим дастурлари бўйича таълим олганда умумий ўқиш даври уч йилдан кам бўлса;

Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

Хорижий давлатлар таълим тизими асосида тўпланган кредитлар Европа таълим тизими бўйича тўпланиши лозим бўлган минимал кредит миқдорига (240 кредит) қиёсланган ҳолда аниқланади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

37. Хорижий давлатларда ўрта махсус ва касб-хунар (профессионал) таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар тегишли равишда Ўзбекистон Республикасидаги ўрта махсус ёки касб-хунар (профессионал) таълими тўғрисидаги ҳужжатларга тенглаштирилган ҳолда тан олинади.

(37-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

Хорижий давлатларда олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар хорижий давлатда тамомланган таълим босқичи бўйича тан олинади.

Хорижий давлатларда кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлар хорижий давлатда тамомланган кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси бўйича тан олинади.

6-боб. Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишни расмийлаштириш

44. Эксперт комиссиялари томонидан таълим тўғрисидаги ҳужжатларга ижобий мувофиқлик ҳулосаси берилган талабгорларга, шунингдек, хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлари тўғридан-тўғри тан олинган талабгорларга Давлат инспекцияси бошлиғи томонидан:

Олдинги таҳрирга қаранг.

хорижий давлатда ўрта махсус ва касб-ҳунар (профессионал) таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақида ушбу Низомга **3-иловага** мувофиқ шаклдаги гувоҳнома;

(44-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

хорижий давлатда олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақида ушбу Низомга **4-иловага** мувофиқ шаклдаги гувоҳнома;

хорижий давлатда кадрларни қайта тайёрлаш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақида ушбу Низомга **5-иловага** мувофиқ шаклдаги гувоҳнома;

хорижий давлатда малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақида ушбу Низомга **6-иловага** мувофиқ шаклдаги гувоҳнома бериш бўйича буйруқ қабул қилинади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

45. Давлат инспекцияси бошлиғининг хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома бериш тўғрисидаги буйруғига асосан тегишли гувоҳномалар тайёрланади ҳамда Давлат инспекцияси масъул ходими томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва QR-код қўйилган ҳолда уч иш куни ичида тегишлилигига кўра давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгорларга юборилади.

(45-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

Гувоҳнома қабул қилинган пайдан бошлаб бир соат ичида давлат хизматлари маркази томонидан талабгорга бу ҳақида хабарнома юборилади.

Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжат гувоҳнома билан биргаликда тақдим этилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний кучга эга бўлади.

46. Хорижий таълим тўғрисидаги ҳужжат берган таълим муассасаси, маҳаллий ва хорижий ташкилотлардан аниқлаштирувчи ҳужжатларни олиш талаб этилган ҳолларда Давлат инспекцияси томонидан таълим муассасасига оид маълумот тақдим этиш ҳақида тегишли давлат ёки ташкилотларга сўровнома юборилади.

Хорижий давлат ёки ташкилотдан хорижий таълим муассасасига оид маълумотларни олиш учун талаб этиладиган вақт ушбу Низомда белгиланган муддатларга кирмайди.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

Олдинги таҳрирга қаранг.

47. Хорижий давлатларда умумий ўрта, ўрта ва ўрта махсус таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги маълумотнома ва гувоҳнома шахсларга Ўзбекистон Республикасидаги таълим муассасаларида таълимнинг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш ҳамда касб-ҳунар (профессионал), олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги гувоҳнома Ўзбекистон Республикасидаги таълим муассасаларида таълимнинг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш ва касбий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

(47-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

48. Худудий бошқармалар ва Давлат инспекцияси хорижий давлатлар томонидан тан олинган хорижий таълим муассасалари тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаб қўйиш чораларини кўрадилар.

Олдинги тахрирга қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хорижий давлатларнинг умумий ўрта, ўрта, ўрта махсус, касб-хунар (профессионал), олий таълим, кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими муассасалари тўғрисидаги маълумотларни олишда худудий бошқармаларга ва Давлат инспекциясига кўмаклашади.

(48-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори тахририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

49. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги маълумотнома ва (ёки) гувоҳнома эгасининг фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарган тақдирда унинг аризасига биноан маълумотнома ва гувоҳнома қайта расмийлаштирилади.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги маълумотнома ва (ёки) гувоҳномани қайта расмийлаштириш тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ариза олинган кундан бошлаб ваколатли орган томонидан ўн беш иш куни мобайнида амалга оширилади.

Олдинги тахрирга қаранг.

50. Электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва QR-код қўйилган гувоҳномалар жорий этилгунга қадар берилган хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги маълумотнома ва (ёки) гувоҳнома йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда, ҳужжат эгасининг аризасига кўра дубликат берилади.

Электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва QR-код қўйилган ҳолда тақдим этилган гувоҳноманинг дубликати берилмайди.

(50-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори тахририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

51. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақидаги маълумотнома ва (ёки) гувоҳноманинг қайта расмийлаштирилганлиги ёки дубликат берилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

52. Талабгорлар хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ёки уни рад этиш ҳақидаги хулоса, шунингдек, Давлат инспекцияси ходимлари ва эксперт комиссиялари аъзоларининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш натижалари юзасидан шикоят ва аризалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Олдинги тахрирга қаранг.

53. Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақидаги гувоҳномалар реестри Давлат инспекциясининг «Узлуксиз таълим» ахборот тизимидаги «Гувоҳнома» платформасида юритилади.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ҳақидаги гувоҳномалар реестри Давлат инспекциясининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ва доимий янгилаб борилади.

Гувоҳномалар реестрида талабгор тўғрисидаги асосий маълумотлар, хусусан, талабгорнинг фамилияси, исми, отасининг исми, таълим олган давлат ва таълим муассасасининг номи, таълим йўналиши, мутахассислиги ва курси номи, гувоҳнома серияси ва рақами, гувоҳноманинг берилган санаси ва тартиб рақами кўрсатилади.

(53-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 345-сонли қарори таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)

54. Давлат хизматлари марказлари ва Давлат инспекцияси талабгорлар ҳақидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши лозим.

**Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш
СХЕМАСИ**

| | | | |
|------------------|-------------------|------------------|---------------|
| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Муддат |
|------------------|-------------------|------------------|---------------|

**I. Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги
ҳужжатларни тан олиш**

| | | | |
|----------|---|--|--|
| 1-босқич | Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ҳақида муурожаат этган шахс Давлат хизматлари марказлари | 1. Хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун бевосита давлат хизматлари марказлари орқали ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтган ҳолда муурожаат қилиш ҳамда ҳужжатларни топшириш. 2. Талабгорлар томонидан топширилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш ҳамда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ёки Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасига юбориш. | Заруратга кўра Ҳужжатлар топширилгандан сўнг дарҳол |
| 2-босқич | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси | Ҳужжатларни уларнинг тўлиқлигини текширган ҳолда: а) тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлса — уларни тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ёки Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасида ташкил этиладиган комиссияларга тақдим этиш; б) тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга жавоб бермаса — уларни камчиликларини кўрсатган ҳолда давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат | Бир иш кунида |

| | | | |
|----------|--|--|---------------|
| | | хизматлари портали орқали талабгорга қайтариб юбориш; в) қалбаки ҳужжат аниқланган тақдирда — тақдим этилган ҳужжатларни қонун ҳужжатларига мувофиқ чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жўнатиш. | |
| 3-босқич | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ёки Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасида ташкил этиладиган комиссиялар | Хорижий давлатда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш натижасида хорижий давлатда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ёхуд тан олишни рад этиш ҳақида хулоса тайёрлаш ҳамда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ёки Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасига юбориш. | Уч иш кунида |
| 4-босқич | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ёки Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ёки Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасида ташкил этилган комиссияларнинг тегишли хулосасига кўра: а) хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатлари тан олишга тавсия этилган талабгорларга маълумотнома бериш ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи, вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларининг буйруқларини қабул қилиш ҳамда тегишли намунадаги маълумотномани тайёрлаш; | Бир иш кунида |

| | | | |
|----------|------------------------------|--|---------------|
| | | <p>б) хорижий давлатларда умумий ўрта ва ўрта таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжат белгиланган талабларга жавоб бермаслиги ҳақидаги тегишли хабарномани тайёрлаш;</p> <p>в) тегишли маълумотнома (хабарнома)ни давлат хизматлари марказларига жўнатиш ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгорга юбориш.</p> | |
| 5-босқич | Давлат хизматлари марказлари | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси масъул ходимининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган маълумотномаларни талабгорга юбориш. | Бир иш кунида |

II. Хорижий давлатларда ўрта махсус ва касб-хунар таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш

| | | | |
|----------|---|--|---|
| 1-босқич | <p>Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ҳақида мурожаат этган шахс</p> <p>Давлат хизматлари марказлари</p> | <p>1. Хорижий давлатларда ўрта махсус ва касб-хунар таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун бевосита давлат хизматлари марказлари орқали ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига мурожаат қилиш ҳамда ҳужжатларни топшириш.</p> <p>2. Ҳужжатларни қабул қилиб олиш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига юбориш.</p> | Заруратга кўра Ҳужжатлар топширилгандан сўнг дарҳол |
|----------|---|--|---|

| | | | |
|----------|--|--|---------------|
| 2-босқич | Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси | <p>Ҳужжатларни уларнинг тўлиқлигини текширган ҳолда:</p> <p>а) тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлса — уларни Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясида ташкил этиладиган эксперт комиссияларига тақдим этиш;</p> <p>б) тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга жавоб бермаса — уларни камчиликларини кўрсатган ҳолда давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгорга қайтариб юбориш;</p> <p>в) қалбаки ҳужжат аниқланган тақдирда — тақдим этилган ҳужжатларни қонун ҳужжатларига мувофиқ чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жўнатиш.</p> | Бир иш кунида |
| 3-босқич | Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясида ташкил этиладиган эксперт комиссиялари | <p>Хорижий давлатда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш натижасида ушбу ҳужжатларни тан олиш ёхуд тан олишни рад этиш ҳақида хулоса тайёрлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига юбориш.</p> | Ўн иш кунида |
| 4-босқич | Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси | <p>Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясида ташкил этиладиган эксперт комиссиясининг тегишли хулосасига кўра:</p> <p>а) хорижий давлатларда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатлари тан олишга</p> | Уч иш кунида |

| | | | |
|----------|------------------------------|---|---------------|
| | | <p>тавсия этилган талабгорларга гувоҳнома бериш ҳақида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғини қабул қилиш ҳамда тегишли намунадаги гувоҳномани тайёрлаш; б) хорижий давлатларда ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжат белгиланган талабларга жавоб бермаслиги ҳақидаги тегишли хабарнома тайёрлаш; в) тегишли гувоҳнома (хабарнома)ни давлат хизматлари марказларига жўнатиш ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгорга юбориш.</p> | |
| 5-босқич | Давлат хизматлари марказлари | <p>Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси масъул ходимининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган гувоҳнома (хабарнома)ни талабгорга юбориш.</p> | Бир иш кунида |

III. Хорижий давлатларда олий таълим ва кадрларни қайта тайёрлаш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш

| | | | |
|----------|---|--|---|
| 1-босқич | <p>Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ҳақида мурожаат этган шахс Давлат хизматлари марказлари</p> | <p>1. Хорижий давлатларда олий таълим ва кадрларни қайта тайёрлаш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун бевосита давлат хизматлари марказлари орқали ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтган ҳолда мурожаат қилиш ҳамда ҳужжатларни топшириш. 2. Ҳужжатларни қабул қилиб олиш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги</p> | Заруратга кўра Ҳужжатлар топширилган заҳоти |
|----------|---|--|---|

| | | | |
|----------|---|--|--------------|
| | | Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига юбориш. | |
| 2-босқич | Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси | <p>Ҳужжатларни уларнинг тўлиқлигини текширган ҳолда:</p> <p>а) тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлса — уларни Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясида ташкил этиладиган эксперт комиссияларига тақдим этиш;</p> <p>б) тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга жавоб бермаса — уларни камчиликларини кўрсатган ҳолда давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгорга қайтариб юбориш;</p> <p>в) қалбаки ҳужжат аниқланган тақдирда — тақдим этилган ҳужжатларни қонун ҳужжатларига мувофиқ чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жўнатиш.</p> | Бир иш кунда |
| 3-босқич | Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясида ташкил этиладиган эксперт комиссиялари | <p>Тақдим этилган ҳужжатлар бўйича:</p> <p>а) хорижий давлатларда олий таълим ва кадрларни қайта тайёрлаш таълими олганлик тўғрисидаги тўғридан-тўғри (синовларсиз) тан олинадиган ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ва тан олиш ҳақида хулоса тайёрлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига юбориш;</p> <p>б) хорижий давлатда олий таълим ва кадрларни қайта тайёрлаш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш</p> | Ўн иш кунда |

| | | | |
|-----------------|---|--|--|
| | | <p>натижасида талабгорни тест синовларига тавсия этиш; в) хорижий давлатда олий таълим ва кадрларни қайта тайёрлаш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишни рад этиш ҳақида хулоса тайёрлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига юбориш.</p> | |
| <p>4-босқич</p> | <p>Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси</p> | <p>Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясида ташкил этилган эксперт комиссиясининг хулосаси асосида: а) хорижий давлатларда олий таълим ва кадрларни қайта тайёрлаш таълими олганлик тўғрисидаги тўғридан-тўғри (синовларсиз) тан олинадиган ҳужжатлар бўйича — хорижий давлатларда олий таълим ва кадрларни қайта тайёрлаш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш ҳақида буйруқни қабул қилиш ҳамда тегишли намунадаги гувоҳномани тайёрлаш; б) эксперт комиссиялари томонидан ижобий хулоса берилган тақдирда — талабгорларни тест синовларидан ўтказиш; в) эксперт комиссиялари томонидан салбий хулоса берилган тақдирда — хорижий давлатда олий таълим ва кадрларни қайта тайёрлаш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олишни рад этиш ҳақида хабарнома тайёрлаш ҳамда давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат</p> | <p>Бир иш кунда Тасдиқланган жадвал асосида Бир иш кунда</p> |

| | | | |
|----------|--|---|-----------------------------|
| | | хизматлари портали орқали талабгорларга юбориш. | |
| 5-босқич | Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси | Тест синовлари натижаларига кўра: а) етарли балл тўплай олмаган талабгорларга — хорижий давлатларда олий таълим ва кадрларни қайта тайёрлаш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш рад этиш ва бу ҳақида давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгорларга хабарнома юбориш; б) тест синовларидан муваффақиятли ўтган талабгорларга — хорижий давлатларда олий таълим ва кадрларни қайта тайёрлаш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш тўғрисида гувоҳнома бериш ҳақида буйруқ қабул қилиш ҳамда гувоҳномани давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгорга юбориш. | Бир иш кунда Уч иш кунда |
| 6-босқич | Давлат хизматлари марказлари | Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси масъул ходимининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган гувоҳнома (хабарнома)ни талабгорга юбориш. | Бир иш кунда |

IV. Хорижий давлатларда малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш

| | | | |
|----------|---------------------------------------|--|---|
| 1-босқич | Талабгор Давлат хизматлари марказлари | 1. Хорижий давлатларда малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш учун бевосита давлат хизматлари | Заруратга кўра Ҳужжатлар топширилгандан сўнг дарҳол |
|----------|---------------------------------------|--|---|

| | | | |
|----------|---|---|--------------|
| | | <p>марказлари орқали ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига мурожаат қилиш ҳамда ҳужжатларни топшириш.</p> <p>2. Ҳужжатларни қабул қилиб олиш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига юбориш.</p> | |
| 2-босқич | <p>Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси</p> | <p>Ҳужжатларни уларнинг тўлиқлигини текширган ҳолда:</p> <p>а) тақдим этилган ҳужжатлар тўлиқ бўлса — уларни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясида ташкил этилган эксперт комиссияларига тақдим этиш;</p> <p>б) тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга жавоб бермаса — уларни камчиликларини кўрсатган ҳолда давлат хизматлари марказларига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгорга қайтариб юбориш;</p> <p>в) қалбаки ҳужжат аниқланган тақдирда — тақдим этилган ҳужжатларни қонун ҳужжатларига мувофиқ чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жўнатиш.</p> | Бир иш кунда |

| | | | |
|----------|---|---|-------------|
| 3-босқич | Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясида ташкил этиладиган эксперт комиссиялари | Хорижий давлатда малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш натижасида ушбу ҳужжатларни тан олиш ёхуд тан олишни рад этиш ҳақида хулоса тайёрлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига юбориш. | Ўн иш кунда |
| 4-босқич | Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси | Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясида ташкил этилган эксперт комиссиясининг тегишли хулосасига кўра: а) хорижий давлатларда малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжатлари тан олишга тавсия этилган талабгорларга гувоҳнома бериш ҳақида Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг буйруғини қабул қилиш ҳамда тегишли намунадаги гувоҳномани тайёрлаш; б) хорижий давлатларда малака ошириш таълими олганлик тўғрисидаги ҳужжат белгиланган талабларга жавоб бермаслиги ҳақидаги тегишли хабарнома тайёрлаш; в) тегишли гувоҳнома (хабарнома)ни давлат хизматлари марказларига жўнатиш ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгорга юбориш. | Уч иш кунда |
| 5-босқич | Давлат хизматлари марказлари | Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат | Уч иш кунда |

| | | | |
|--|--|--|--|
| | | инспекцияси масъул ходимининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган гувоҳнома (хабарнома)ни талабгорга юбориш. | |
|--|--|--|--|

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби ҳақидаги
НИЗОМГА
2-ИЛОВА

**XORIJIY DAVLATDA UMUMIY O'RTA VA O'RTA TA'LIM OLGANLIK
TO'G'RISIDAGI HUJJATNI TAN OLISH HAQIDAGI
MA'LUMOTNOMA**

O' № 000000

Ushbu ma'lumotnoma bilan fuqaro

_____ ga
(familiyasi, ismi va otasining ismi)

_____ tomonidan

(ta'lim muassasasi nomi)

_____ yilda _____
berilgan

(hujjat berilgan yil)

(hujjat berilgan davlat nomi)

_____ -seriyali _____ -raqamli ma'lumot to'g'risidagi hujjat (guvohnoma, shahodatnoma)

O'zbekiston

Respublikasida tan olinadi va umumiy o'rta ma'lumot (o'rta ma'lumot) haqidagi guvohnomaga (shahodatnomaga) tenglashtiriladi.

Xalq ta'limi boshqarmasi
boshlig'i

-
(imzo)

-
(familiyasi, ismi va otasining ismi)

(muhr o'rni)

Ro'yxatdan o'tkazish raqami:

Berilgan sanasi:

(kun, oy, yil)

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби ҳақидаги
НИЗОМГА
3-ИЛОВА



**O‘ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI TA’LIM
SIFATINI
NAZORAT QILISH DAVLAT
INSPEKSIYASI**

**XORIJIY DAVLATDA O‘RTA MAXSUS VA KASB-HUNAR TA’LIMI OLGANLIK
TO‘G‘RISIDAGI HUJJATNI TAN OLISH HAQIDAGI
GUVOHNOMA**

O‘MK № 000000

Ushbu ma’lumotnoma bilan fuqaro

_____ ga
(familiyasi, ismi va otasining ismi)

tomonidan

(ta’lim muassasasi nomi)

_____ yilda

berilgan

(hujjat berilgan yil)

(hujjat berilgan davlat nomi)

_____ -seriyali _____ -raqamli ma’lumot to‘g‘risidagi hujjat O‘zbekiston
Respublikasida

tan olinadi va _____ mutaxassisligi
bo‘yicha

(mutaxassislik nomi)

o‘rta maxsus (kasb-hunar) ma’lumoti darajasidagi diplomga tenglashtiriladi.

Davlat inspeksiyasi boshlig‘i:

(familiyasi, ismi va otasining ismi)

Ro‘yxatdan o‘tkazish raqami

Berilgan sanasi:

(kun, oy, yil)

QR — kod

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби ҳақидаги
НИЗОМГА
4-ИЛОВА



**O‘ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI TA‘LIM
SIFATINI
NAZORAT QILISH DAVLAT
INSPEKSIYASI**

**XORIJIY DAVLATDA OLIY TA‘LIM OLGANLIK TO‘G‘RISIDAGI
HUJJATNI TAN OLIISH HAQIDAGI
GUVOHNOMA**

O № 000000

Ushbu guvohnoma bilan fuqaro

_____ ga
(familiyasi, ismi va otasining ismi)

tomonidan

(ta‘lim muassasasi nomi)

_____ yilda

berilgan

(hujjat berilgan yil)

(hujjat berilgan davlat nomi)

_____ seriyali _____ raqamli ma‘lumot to‘g‘risidagi hujjat O‘zbekiston
Respublikasida

_____ ta‘lim yo‘nalishi (mutaxassisligi)
bo‘yicha tan olinadi.

(ta‘lim yo‘nalishi yoki mutaxassisligi nomi)

Davlat inspeksiyasi boshlig‘i:

(familiyasi, ismi va otasining ismi)

Ro‘yxatdan o‘tkazish raqami

Berilgan sanasi:

(kun, oy, yil)

QR — kod

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби ҳақидаги
НИЗОМГА
5-ИЛОВА



**O‘ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI TA’LIM
SIFATINI
NAZORAT QILISH DAVLAT
INSPEKSIYASI**

**XORIJIY DAVLATDA KADRLARNI QAYTA TAYYORLASH TA’LIMI
OLGANLIK TO’G’RISIDAGI HUJJATNI TAN OLISH HAQIDAGI
GUVOHNOMA**

QT № 000000

Ushbu guvohnoma bilan fuqaro

_____ ga
(familiyasi, ismi va otasining ismi)

tomonidan

(ta’lim muassasasi nomi)

_____ yilda

berilgan

(hujjat berilgan yil)

(hujjat berilgan davlat nomi)

_____ seriyali _____ raqamli ma’lumot to’g’risidagi hujjat O‘zbekiston
Respublikasida

_____ qayta tayyorlash kursi bo‘yicha
tan olinadi.

(qayta tayyorlash kursi nomi)

Davlat inspeksiyasi boshlig‘i:

(familiyasi, ismi va otasining ismi)

Ro‘yxatdan o‘tkazish raqami

Berilgan sanasi:

(kun, oy, yil)

QR — kod

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартиби ҳақидаги
НИЗОМГА
6-ИЛОВА



**O‘ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI TA‘LIM
SIFATINI
NAZORAT QILISH DAVLAT
INSPEKSIYASI**

**XORIJIY DAVLATDA MALAKA OSHIRISH TA‘LIMI OLGANLIK
TO‘G‘RISIDAGI HUJJATNI TAN OLIISH HAQIDAGI
GUVOHNOMA**

MO № 000000

Ushbu guvohnoma bilan fuqaro

_____ ga
(familiyasi, ismi va otasining ismi)

tomonidan

_____ (ta‘lim muassasasi nomi)

_____ yilda

berilgan

(hujjat berilgan yil)

_____ (hujjat berilgan davlat nomi)

_____ seriyali _____ raqamli ma‘lumot to‘g‘risidagi hujjat O‘zbekiston
Respublikasida

_____ malaka oshirish kursi bo‘yicha
tan olinadi.

(malaka oshirish kursi nomi)

Davlat inspeksiyasi boshlig‘i:

_____ (familiyasi, ismi va otasining ismi)

Ro‘yxatdan o‘tkazish raqami

Berilgan sanasi:

_____ (kun, oy, yil)

QR — kod

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 42-модда):

1-банднинг **учинчи хатбоши** чиқариб ташлансин;

2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 18 июлдаги 515-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 29-сон, 698-модда):

а) 2-банднинг **олтинчи хатбошидаги** «тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини аниқлаш)ни» сўзлари «тан олишни» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) **1-иловада:**

8-банднинг **олтинчи хатбошидаги** «тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини аниқлаш)ни» сўзлари «тан олишни» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг **«д» кичик бандида:**

биринчи хатбошидаги «тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини аниқлаш)ни» сўзлари «тан олишни» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидан «ва нострификациялаш (эквивалентлигини аниқлаш)» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилардаги «нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш)» сўзлари «тан олиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) амалга оширилганда талабгорга давлат намунасидаги» сўзлари «талабгорларга» сўзи билан алмаштирилсин.

в) 3-илованинг **1-банди** ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган
айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2017 йил 3 апрелдаги 173-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 14-сон, 222-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 27 ноябрдаги ПФ-5584-сон Фармони)» 2019 йил 29 мартдаги 261-сон қарори.

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.07.2019 й., 09/19/620/3482-сон; 15.01.2020 й., 09/20/24/0053-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.06.2021 й., 09/21/345/0522-сон)